



СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялашга, маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда 2000 йил — “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинди ва бу борада ҳукуратимизнинг махсус қарори асосида давлат дастури қабул қилинди.

24 феврал куни Оқсарой қароргоҳида “Соғлом авлод” давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари “Соғлом авлод” давлат дастурини тайёрлаш жараёнида турли вазирлик, идора ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар вакиллари қарийб икки ой давомида ҳамкорликда иш олиб борганини айтди. Қабул қилинган дастурда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Айни пайтда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мазкур дастур амалга оширилгач, ҳар бир оила, умуман, халқимиз ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлади, деган савол бугунги кунда жуда долзарб. Ундаги режалар ҳамюртларимизнинг кундалик турмушига қай даражада таъсир кўрсатади, эл-юрт саломатлигини яхшилашга қай даражада хизмат қилади?

Ислам Каримов дастурни бажаришда ҳар бир мутасадди вазирлик, идора ва ташкилот ўзи учун иш кўламини аниқ белгилаб олиши зарурлигини қайд этди. Чунки соғлом авлодни тарбиялаш жуда кенг тушунча бўлиб, бу борадаги ишларни бошқа давлат дастурларида кўрсатилган чора-тадбирлар билан аралаштириб юбормаслик муҳимдир. Бунда қуруқ гап ва ташвиқот

эмас, одамларнинг тафаккурида соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчани шакллантириш, тиббиёт муассасалари имкониятларини кенгайтиришга қаратилган амалий ишлар талаб этилади. Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланганидек, дастур топшириқларининг аниқ муддатларда бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ҳар бир раҳбарнинг муҳим инсоний бурчидир.

Мамлакатимиз Президенти дастурни ижро этиш жараёнида бирламчи эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб, аввало, баалоғат ёшига етган қизларимизни мактабдаёқ оилавий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш кераклигини қайд этди. Бунинг учун мактабларда махсус қўлланмалар асосида дарслар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, бутун жамият ҳаётига алоқадор масаладир. Зеро, соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шу боис ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлигини, бири-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда)



Безуборлик

ЯНГИ ҲОКИМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Алишер Хўжамович Исроилов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

ФАРМОН

“Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чикди.

СЎНГГИ УЧ КУН МУҲДАЛАРИ

Чоршанба
Пайшанба
Жума

ҚАРОР

“Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

ЯНА БИР

ҚИРОАТХОНА

Республика чет эл адабиёти кутубхонасида очилган олмон тилидаги адабиётлар қироатхонасида Германия ҳақидаги барча маълумотларга эга бўлиш баробарида олмон тилини ҳам ўрганиш мумкин.

Таълимда
мониторинг
3-бет

Ортиқ ОТАЖОНОВнинг
биринчи муаллими ким
гурунги
5-бет

Мустақил фикрлашнинг
тараққиётга таъсири
9-бет

Дизелнинг
сирли ўлими
13-бет

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

(Боши 2-бетда)

Учинчи йўналиш — ҳомиладорлик ҳамда фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва сақлаш. Давлатимиз раҳбари бу борада Республика акушерлик ва гинекология институтида бой тажриба тўпланганини айтиб, вилоятларда институтнинг бўлимларини очиш таклифини билдирди.

Маълумки, бир ёшгача бўлган давр чақалоқлар ҳаётида энг хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу даврда уларнинг саломатлиги, тарбиясига махсус эътибор талаб қилинади. Ислоҳ Каримов бу тўртинчи йўналиш бўйича масъул идораларни аниқ белгилаб олиш ва улар фаолиятини қатъий назорат қилиш кераклигини уқтирди.

Бешинчидан, бир ёшдан беш-олти ёшгача бўлган даврда бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тарбиясини тўғри ташкил этиш. Чунки айнан шу давр боланинг ақлан ва жисмонан шаклланишида энг катта аҳамиятга эга. Фарзандларимиз тафаккури таркиб топаётган пайтда уларга тўғри тарбия бериш, ҳаёт учун зарур билимларни олишига шароит тўғдириш масаласи доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Йўлбошчимиз эътиборни жалб қилган олтинчи

йўналиш — ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланиши учун шарт-шароит яратишдир. Чунки ҳар қандай миллат ва жамиятнинг маънавияти ҳам ногиронларга муносабат билан ҳам белгиланади.

Президент Ислоҳ Каримов дастурда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда жойлардаги масъул раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш, халқимиз онгида соғлом авлод тушунчасини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш даркорлигини таъкидлади. Зеро, соғлом авлод — барча эзгу мақсадларимиз шарт, миллатимиз келажагидир.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан соғлиқни сақлаш вазирлиги Ф.Назиров, соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-тадқиқот институти директори Д.Маҳмудова, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 10-туғруқхона комплексининг бош шифокори А.Любчик, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий А.Баҳромов, "Наврўз" хайрия жамғармасининг раиси Д.Ёкубов сўзга чиқди.

Беҳзод УСМОН
(ЎЗА).

Ҳозир ҳар ҳафтанинг якшанба кунлари пойтахтимиздаги "Амазония" халқаро ёшлар клубида "Истеъдод—2000" курик-танловининг саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда. Курик-танловга республика "Камолот" ёшлар жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, "Истеъдод" продюссерлик маркази ҳамда "Амазония" халқаро ёшлар клуби ҳомийлик қилишмоқда.

"Истеъдод—2000" танлови республика "Камолот" ёшлар жамғармасининг "Ёшлар XXI аср сари — гиёҳванд моддаларсиз" дастури доирасида ўтказилаётган бўлиб, ёшларни фаол ижодга жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини

ИСТЕЪДОД ҲУНЧАЛАРИ

тарғиб қилиш бош мақсад.

6 ёшдан 35 ёшгача ва ундан катталар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган ушбу танлов ҳозирда жуда қизгин паллага кирган, десак муболага бўлмайди. Чунки унда турли вилоятлардан ташриф буюрган ёшлар замонавий ёхуд мумтоз қўшиқлар, фольклор, қизиқчилик, ракс, эстрада-цирк, вокал-чолгу йўналишлари бўйича узлари тайёрлаб келган чиқишларини маҳорат билан ижро этмоқдалар.

Энг қизиқарлиси шундаки, иштирокчиларнинг асосий қисми жажжи угил ва қизлар бўлиб, улар курик-танловнинг саралаш босқичида ажойиб санъатлари билан томошабинларда ҳам катта таассурот қолдиришмоқда.

Беҳбуд БОТИРОВ

ЁДДА ҚОЛАР КУНЛАР

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда ўқиган йилларим бир умр хотирамдан ўчмас керак.

"Ўзэкспомарказ"и-га, табиат музейига, Темурийлар тарихи

Давлат музейига, республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказига боришимиз биз ёшларнинг Ватан, халқимиз қадриятлари ҳақидаги тушунчаларимизни янада теранлаштирди. Айниқса, шоира

Турсуной Содикова, бастакор Шермат Ёрматовлар билан учрашувдан жуда катта маънавий озуқа, сабоқ олдик.

Бундай тадбирларни уюштиришда бош-қош бўлган устозимиз Мирмуҳаммад Нурматовдан доимо миннатдормиз.

Дилафрўз
МУСАБОЕВА,
ЎзДЖТУ қошидаги
академик
лицей ўқувчиси

ТЕЛЕФОН ЖИРИНГЛАДИ

—Алло, "Маърифат" газетасими? Мен Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидан телефон қиялман. ХТБ ходими Бўрибой Норқуловман. Биз туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда мактабларда диний экстремизм ва диний ақидапарастлик оқимларига қарши тарғибот ва савол-жавобли йиғилишларни ўтказаяпмиз. Ҳозиргача бундай тадбирлар туманнинг 1-, 2-, 8- ва 14-

мактабларида бўлиб ўтди. 1-мактаб йиғилиши иштирокчилари туманнинг барча ёшларига Мурожаатнома қабул қилишди. Унда диний экстремизм ва диний ақидапарастлик кескин қораланиб, ёшларни огоҳ бўлиб яшашга, Ватан, истиқлол учун биргаликда курашиш кераклиги таъкидланган. Йиғилиш туманнинг қолган мактабларида ҳам бўлиб ўтади.



Одам боласи реалликни яхши кўради. Ҳаётий тажриба, деган гап бор. Кўриб, билиб, бошидан ўтказгачгина ишонади, тушунади. Шу маънода "Ўн марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал" деган нақл нақадар тўғрилигини тан оламиз.

Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 5-сон бизнес мактаби бундан 80 йил олдин ташкил қилинган эди. 1997 йили

унга "бизнес мактаби" мақоми берилди. Ошпаз, новвой, қандолатчи, ҳисобчи, ЭҚМ оператори каби мутахассисликлар бўйича таълим

берувчи мактабда назарий билимлар амалиёт билан қўшиб олиб борилиши аҳамиятлидир.

— Мактабимиз ишлаб чиқаришга асосланган, амалий дарс берилади-

ган республикамиздаги ягона мактаб. Ўқувчиларимиз фақат назарий билим олиб қолмасдан, қандолатчилик устахонасида турли маҳсулот-

лар — торт, нон, ширинлик ва бошқа маҳсулотларни бевосита ўрганиб, ўзлари тайёрлайдилар. Бу эса жуда яхши натижа бермоқда, — дейди мактаб директори Ўктам

Худойқулов.

Суратларда: 1. Махсус технология ўқув хонасида ўқитувчи Ҳилола Тождидинова ҳар кил торларни тайёрлаш хусу-

навият ва маърифат хонасида директор муовини Заҳро Аҳмедова Президентимизнинг Олий Мажлисининг сессиясидаги сўзлаган нутқи хусусида ўқувчиларнинг фикри билан қизиқмоқда. 4. Қандолатчилик устахонасида ўқувчилар ўз қўллари билан тайёрлашган торт атрофида суҳбатлашмоқдалар.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ

Муаллиф олган суратлар.

ЎЗИГА ХОС МАКТАБ

1. Зарурият

Ислохот жараёнида улкан ҳажмдаги янгиликлар, ахборотлар оқими вужудга келиб, улар маълум бир соҳани мазмунан қайта ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Бу таёқнинг бир учи бўлса, иккинчиси ушбу оқимни ўзлаштириш билиш, бошқара олиш, ичидан маъқулини танла олиш ва натижада амалда самарали қўллаш билиш билан боғлиқ. Ҳозирда таълим бир тирик организм сифатида кўрилиб, уни жонлантириш кетаётган даврда бу соҳада ҳам худди юқорида айтганимиздек, улкан оқим қабул қилинмоқда. Демак, бу жараённинг қанчалик мунтазам назорат қилиб борилиши, йўл-йўлакай пайдо бўладиган камчиликларни ўз вақтида бар-тароф этилиши ушбу «организм»нинг тезроқ ва созроқ оёққа туришида белгилловчи омил бўлиб хизмат қилади. Мониторингнинг асосий вазифаси ҳам айнан шу доирадаги ишлардан иборат.

Аслида мониторинг ҳар бир соҳада ва унинг ҳар бир жабҳасида олиб борилади. Биз бугун кўпроқ таълим мазмунини белгилловчи иккита муҳим ҳужжат, яъни давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастури ўзлаштирилиши мониторингининг олиб борилишига ургу берамиз. Боиси ўрта умумтаълим мактаблари фаолияти самараси ўлчови, тошу тарозиси бўлган ДТСнинг ҳамда унга асосан яратилган ўқув дастурининг бажарилиши якуний натижани кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда мониторинг қилиш жараёнида олинган кўрсаткичлар таҳлили мавжуд ютуқ ва камчиликларни ўзида қундай равшан акс эттиради.

2. Тажриба

Сўнгги пайтларда таълим-тарбияни ташкил этиш борасида ҳам кўпгина тажриба-синов ишлари олиб борилаётган. Бу биринчидан, бу соҳада янгиликлар кечаётганлигини билдирса, иккинчидан, яқин ўтмишимиз, яъни собиқ шўро замонидagi консерватизмнинг юқоридан қандай бўлса, шундайлигича қабул қилсан, бажарсан» қабилидаги тамойиллардан ба-тамом воз кечилганлигини кўрсатади.

Шундайин тажриба-синов ДТСни ва ўқув дастурларини таълим жараёнига татбиқ этиш борасида ҳам олиб борилаётган. Ушбу ойнанинг биринчи ўн кунлигида республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри халқ таълими раҳбарлари иштирокида Андижон вилоятида бўлиб ўтган семинар-кенгаш кун тартибида ҳам айнан шу масала асосий эди. Умуман олганда, бирор-бир янгилик ёки ўзгариш одатда бир жойда пайдо бўлиб, сўнгра бошқа ерларга ёйила бошлайди. Илк бор Авлорий номидаги ХТХМОИда таълим йўналишида республика «Мониторинг маркази» очилгач, ушбу ташаббусни, янгиликни биринчилардан бўлиб андижонликлар ўзлаштириб олганлиги ҳақида гап юрарди. Биз семинар-кенгаш давомида вилоятнинг деярли барча туманларида бўлганимизда нафақат янгиликлар ўзлаштирилганлигининг, балки маълум бир натижаларга ҳам эришганлигининг гувоҳи бўлдик.

Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисининг 1999 йил 27 декабрдаги 18-сонли қарори билан «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари мониторингини олиб бориш тартиби» тасдиқланганди. Маз-

кур таълим ҳужжати бўйича ДТС мониторинги тўрт миқёсда, яъни республика, вилоят, туман ва таълим муассасасида олиб борилиши белгиланди. Вилоятда ушбу иш, аввало, давлат таълим стандартлари талабларининг бошланғич таълим ҳамда умумий ўрта таълим битирувчиларига қўйилганлигига асосланиб, ДТС борасидаги назорат ишлари бошланғич синф битирувчиларидан ҳамда умумий ўрта таълим битирувчилари доирасида ўтказилган. Амалдаги ўқув йилидан бошлаб ДТСнинг ўрта умумтаълим мактабларининг 6-синфгача жорий этилганлиги ҳисобга олиниб, мониторингга юқори синф сифатида ушбу синф жалб этилган.

Энди олинган натижаларга келсак, улар таҳлиладан сўнг бир талай вазифалар юзга қалқиб чиққан. Булар фанларнинг ўқитиш самарадорлиги, ўқитувчи маҳорати, ўқувчи фаоллиги билан боғлиқ ишлар мажмуасидан иборат. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу назорат, таҳлил ва мунтазам кузатув хулосалари, таълим-тарбия жараёнида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни қафтдагидек аён этади. Шунингдек, туман (шаҳар) кесимидаги ҳолат эса уларнинг вилоят бўйича эгаллаб турган ўрнини кўрсатади.

Мониторинг олиб боришда мезонни тўғри танлай билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Туманларда бўлганимизда халқ таълими бўлимида ташкил этилган мониторинг марказлари мазмунан бир-бирига яқин бўлса-да, шаклан тубдан фарқ қилишини кузатдик. Улардаги ўзига хосликларни ўрганиб чиқиб, барча учун бирдек муҳим бўлган жиҳатлар умумлаштирилиб, намуна сифатидаги йўл-йўриқлар, тавсиялар ишлаб



тижалари, дарсликлар билан таъминла-ниши, ўқувчиларнинг спорт мусобақаларида иштирок этиши, уларга яратилган маданий ва маиший шароитлар каби 29 та кўрсаткич диаграмма шаклида келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар, ҳамда, ҳар бир мактабнинг таҳлили компьютернинг маълумотлар банкидан ўрин олган. Мониторинг маркази ҳамда тумандаги таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишган киши марҳаматлик ўқувчиларнинг фан олимпиадалари ва олий ўқув юртларига кириш натижалари бўйича республикада юқори ўрин эгаллаши бежиз эмаслигига амин бўлади.

Асака шаҳри ХТБ қошидаги Мониторинг марказида ҳар бир мактаб учун

андоза олинмасдан, ижодий ёндош-ган ҳолда ўзларидан мониторинг мар-казларини ташкил этдилар.

Кўргонтепа тумани ХТБ қошидаги Мониторинг марказининг бошқалардан фарқи шундаки, марказда мактаблар кесимида барча ўқув фанларидан ДТС ва ўқув дастурларини ўзлаштиришдаги сифат кўрсаткичлар, бунда мактабларнинг умумий рейтингини ва эгаллаган ўрни, ижодкор, илғор ўқитувчилар ҳақидаги маълумотлар ҳам мужассамлашган.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Кўргонтепа туманида «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари мониторингини олиб бориш тартиби»нинг таълим муассасаларида, ҳаттоки, синфларда ҳам педагогик амалиётга жорий этилаётганлигини кўрдилар. Анжуман қатнашчиларидан бир гуруҳи тумандаги 1 ва 3-мактабларда бўлиб, ДТС ва янги ўқув дастурларининг ўқув тарбия жараёнига жорий этилиши, ДТС мониторинги олиб борилиши, мактаб Мониторинг хонаси, синфлардаги Мониторинг ойналари билан танишдилар. Мониторинг хонасида синфлар кесимида ДТС ва янги ўқув дастурлари ўзлаштирилишдаги сифат кўрсаткичлари, синфларнинг эгаллаган ўрни, мактаб бўйича энг юқори натижага эришган ўқувчилар ва уларнинг умумий рейтингини жадвал тарзида мужассамлаштирилган.

Хуллас, Андижон вилоятидаги туман(шаҳар)лар ва таълим муассасалари мисолида умумий ўрта таълим бўйича мониторинг тизими шаклланаётганлигини кузатиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг халқ таълими органлари раҳбарлари, педагогик ходимлар малакасини ошириш институтларининг ректорлари, жойлардаги давлат таълим стандартлари Мониторинг бўлими бош-ликлари анжуманининг биринчи кунини Андижон вилоятида мониторинг тизими вилоят-туман-мактаб-синф ўқувчи даражасида шаклланаётганлигини кузатдилар ҳамда ўзаро тажриба алмашдилар.

3. ХУЛОСА

Ушбу семинар-кенгашда кўзланган мақсадга қанчалик эришилганлигини вақт, яъни барча вилоятларда, туманларда, мактабларда бу борада бош-лаб юборилган ишлар натижаси кўрсатади. Шу ўринда ушбу анжуманда қатнашган англиялик мутахассис Лахлан Стюартнинг бир фикрини келтириб ўтиш ўринли бўлади. У талабалигида мониторингга бефарқ бўлганлигини, сўнгра масъул лавозимга тайинлангач, унинг қадри нақадар баланд эканлигини англаб етганлигини айтди. Биз ҳам барча иштирокчилар фикрини тинглаб бир нарасага амин бўлдики, таълим-тарбияни ташкил этишда унинг барча босқичларидаги раҳбарлар учун «дастёр» — Мониторинг «кашф» қилинди. Муҳими ҳам улар онгида айнан шу тушунчани пайдо этиш эди. Энди эса ҳамма гап уларнинг ушбу ишни қанчалик даражада пухта йўлга қўя билмишда. Дастёрнинг содиқлиги ҳамisha ҳўжасининг парваришига боғлиқ бўлиб келган.

Абдусамат РАҲИМОВ,
«Маърифат» газетасининг
махсус муҳбири,
Акбарали БАҲРОМОВ,
ХТБ давлат таълим
стандартлари мониторинги
бошқармаси ходими

Tajriba, sinov, natija

ТАЪЛИМДА МОНИТОРИНГ

чиқилса маъқул иш бўлар экан.

Улардаги умумийлик куйидагиларда кўринади: Мониторинг марказларидан ҳукуматимизнинг таълимга оид муҳим ҳужжатлари, ўз худудидаги таълим муассасалари рейтингини, мониторинг жараёнида аниқланган илғор тажрибалар, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган янги педагогик технологиялар, рисоалар, дарс ишланмалари ва бошқа материаллар ўрин олган. Мониторинг марказига ташриф буюрган таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар бевосита таълим тизимидаги янгиликлар, туман(шаҳар)ларида таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар, ўз мактабларининг турли кўрсаткичлари, бўйича таълим-тарбия самарадорлиги билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Шуниси диққатга сазоворки, барча мониторинг марказларида жиҳозланиш ва материаллар мазмунининг акс этирилиши турлича. Вилоятдаги 19 та туман(шаҳар)даги мониторинг маркази 19 хил бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятга эгадир. Жумладан, Марҳамат тумани ХТБ қошида Мониторинг маркази кичик бир хонада ташкил этилган бўлса-да, ундаги материалларнинг мазмуни жуда бой. Тумандаги ҳар бир мактаб бўйича ўқувчиларнинг фан олимпиадаларида иштироки битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши на-

алоҳида стенд ва шкаф ажратилган бўлиб, уларда мактабга оид зарурий маълумотлар: мактаб паспорти, рейтингини, ўқувчиларнинг илғор иш тажрибалари мужассамланган.

Бўз тумани ХТБ қошида ташкил этилган Мониторинг марказида давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсати, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа муҳим ҳужжатларни ташвиқот қилишга, бу ишга ота-оналарни ҳам жалб этишга алоҳида эътибор берилган. Мактабларнинг диагностика таҳлили, ўқувчилар учун зарур бўладиган ўқув-методик мажмуалар ҳам ушбу марказдан ўрин олган.


Шаҳрихон шаҳри ва тумани, Кўргонтепа, Асака, Избоскан, Олтинкўл, Хўжаобод, Булоқбоши ва бошқа туманлардаги Мониторинг марказлари ҳам ўзига хослиги билан анжуман қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

Республика амалий семинар-кенгаш қатнашчилари ДТС мониторингини олиб бориш юзасидан тажриба алмашдилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, вилоят ХТБнинг «Давлат таълим стандартлари мониторинги» бўлими томонидан январ ойида туман (шаҳар)дан 3 тадан мактаб танлаб олиниб, уларда математикадан ДТС асосидаги янги ўқув дастури ҳар бир туман (шаҳар) мактабларида қандай ўзлаштирилаётганлиги аниқлаб олинди. Туман(шаҳар) кесимида математикадан олинган мониторинг натижалари вилоят педагогик ходимлари малакасини ошириш институти қошидаги Мониторинг марказида акс эттирилди.

ДТС мониторингини олиб бориш тартиби асосида тажриба-синов тариқасида таълим муассасалари кесимидаги мониторинг Кўргонтепа туманидаги мактабларда ўтказилди. Бунда математикадан тест синовини ўтказиш учун тумандаги барча мактабларнинг 6 «А» синфлари танлаб олинди. Натижалар Кўргонтепа тумани ХТБ қошидаги мониторинг марказидаги махсус жадвалга туширилди.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, туман миқёсидаги Мониторинг маркази вилоят бўйича биринчи бўлиб Кўргонтепа тумани ХТБ қошида ташкил этилган эди. Вилоятдаги бошқа туман (шаҳар)лар учун мазкур Мониторинг маркази намуна сифатида кўрсатилди. Шуниси қувонарлики, бошқа туман(шаҳар)лар ХТБлари ундан фақат



Бола мактаб ёшига етди.

Она не-не орзу-умидлар билан унга китоб, қалам совға қилди. Ўз юрагининг бир парчасини, нури дийдасини ишониб ўқитувчининг қўлига топширса-ю ўқитувчи унинг болалик шўхлиги учун бирор жойини кўкартирса, болалар олдида камситса, қаттиқ изза қилса... Она учун бундан ортиқ азоб, руҳий изтироб бўлмаса керак...

Мактаб кучоғига қадам қўйган болаларни ўз боласидек қабул қилиш, унга бор бўлган меҳрини, маданиятини, билимини бериш керак. Ҳа, ана шундай инсон боланинг қувонч ва қайғусига шерик бўлган, унинг қалбига йўл топа олган тарбиячигина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Афсуски, орамизда касбига нолайиқ муаллимлар ҳам йўқ эмас.

Яқинда Сарийосиё тумани мактабларининг бирида бўлиб, бир неча ўқувчилар билан суҳбатлашдик. Улардан "Ўқитувчининг уради ми? Ҳақоратлайдими?" деб сўраб-суриштирдим.

Ўқувчиларнинг аксарияти "Дарсни тайёрлаб келмасак, ўқитувчимиз уради", — деб айтишди...

Бола жуда нозик гулга ўхшайди. У би-

лан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Бир оғиз ўринсиз сўз бола қалбида умр-бод муҳрланиб қолиши аниқ. Мана бир мисол. Бу воқеага гувоҳлигимга анча вақт ўтган бўлса ҳам ҳеч ёдимдан чиқмайди. Кўз олдимда ҳамон гавдаланиб туради.

Иккинчи сентябрь. Мактабларнинг бирида кўнғироқ чалинди. Болалар синфхоналари томон шошилишди. Иттифоқо, синфга кирмай турган болага уч йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчининг... "Кир

қилганини эшитиб кўнғилим анча равшан тортди. Яхши сўз билан ҳам синфга киритса бўлар экан, деган фикр хаёлимдан ўтди. Ота-боболаримиз ҳам "Яхши сўз билан илон инидан чиқади, ёмон сўз билан мусулмон динидан чиқади" деб бежиз айтишмаган. Демокчиманки, келинг хурматли ўқитувчилар, болаларимизни меҳр-муҳаббат билан тарбиялайлик! Жаҳлингизга эрк берманг! Қисқаси, эл ўртасида ўқитувчи деган буюк номга

ЎҚУВЧИ ДАРСГА ТАЙЁРЛАНМАДИ...

СИЗНИНГ ТАДБИРИНГИЗ?

синфга, ҳе..." деб ҳақоратлаган сўзларини эшитиб қолдим. Кўнғилим бузилди. Ахир, бу қандай гап? Биринчи ўқиш кунидан болага шундай муомала қилиш одобга тўғри келадими?

Худди шу ерда, кўшни синфхона эшиги олдида турган ўқувчига эса, кўп йиллик тажрибага эга бўлган яна бир ўқитувчининг "Қани, болажон, кирақол синфга! Кўнғироқ чалинди-ку?", — деб мурожаат

доғ тушишига асло йўл қўйманг!

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги "Дўстлик" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

ТАХРИРИЯТДАН:
Бирон бир тадбир қўллашдан олдин ҳар бир маърифатли киши ўзини

Ota-ona fikri

Ўқувчи ўрнида тасаввур қилиб, шу асосда фикр юрита олиши лозим. Мақолада қайд қилинган вазиятга икки хил ёндашув бор: бири — салбий, иккинчиси — ижобий. Албатта, иккинчи вазиятдаги ўқитувчи ҳаммамизда илиқ таассурот уйғотади. Таъбир жоиз бўлса, у ўқитувчидаги энг муҳим фазилатни намойиш қилди. Шу ўринда қатор саволлар туғилади: Муаллимлик фаолиятингизда қандай қизиқ ҳолатларга тушгансиз ёки ноқулай, муаммоли вазиятга дуч келгансиз? Ўқувчингиз дарсга тайёргарликсиз келса ёки шўхлик қилган пайтларида қандай тадбирлар қўллайсиз? Ота-оналар билан ишлашда қандай омилларга таянасиз? Дарс ўзини нима? Хуллас, мактаб ҳаётидаги қизиқарли вазиятлар, ибратли ҳаётий воқеалар, ноанъанавий усул ва услублар тўғрисида ёзингизлар! Бу — барча-барча учун ўрганиш, ўргатиш мактаби бўлиб қолади.



Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, Наманган туманига қарашли Боқижон Халилов номидаги мактабнинг олий тоифали тасвирий санъат фани ўқитувчиси Валижон Абдуллаев 1985 йилдан ҳозирга қадар шу жамоада сидқидилдан сабоқ бериб келмоқда. У бир неча бор тасвирий санъат фанига доир туман, вилоят семинарларини ташкил этган. Унинг иш тажрибаси 1992 йили ВХТБси томонидан видеолавҳа тарзида, бир неча бор вилоят, республика матбуотида ёритилган. Унинг 150 дан ортиқ илмий-методик мақола, ҳажвий расмлари, тасвири билимдонлик ўйинлари

"Маърифат", "Туркистон", "Наманган ҳақиқати", "Суҳбатдош", "Истиқлол" газеталари, "Бошланғич таълим", "Гулхан" журналларида ёритилган. 1992 йил республика илғор ўқитувчилари оригинал кўргазмалари қуроллари кўрик-танловида, 1996 йили республика педўқишида, 1998 йили Халқ таълими ва Олий ва ўрта таълим вазирлиги, "Устоз" республика жамғармаларининг ҳамкорликдаги "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичларида муваффақиятли иштирок этди. Шу йили "Тасвирий санъатда бадиий асар ғоялари" методик қўлланмасини яратди. У ҳозир "Амалий санъат ва билимдонлик ўйинлари орқали ўқувчилар

Та'lim fidoyilari

билимини ошириш" мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

— Тасвирий санъат ўғил-қизлар қалбини эзгуликка бошловчи, шу билан бирга мустақил фикрлашга ундайдиган фандир, — деди ижодкор ўқитувчи В.Абдуллаев. — Шу боис мазкур фаннинг сир-асрорларини ўқувчилар онгига етказишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, тасвирий санъат фани ҳам мураккаб, ҳам қизиқарлидир. У ўғил-қизлардан

кунт ва сабр-бардошни талаб қилади. Муаллим фаннинг ана шу жиҳатлари ҳақида ҳам тушунча бериб, ўқувчилар маҳоратини ошириб бораётир. Хуллас, меҳнатлари вилоят миқёсида эътироф этилган заҳматкаш, изланувчан муаллим Валижон Абдуллаев ўқувчиларига ҳам билим, ҳам касб-хунар ўргатмоқда.

К.МАТҚУРБОНОВ

Суратда: халқ таълими аълочиси Валижон Абдуллаев тасвирий санъат фани сир-асрорлари тўғрисида тушунча бераётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

Bir soatlik dars namunasi

Ҳозирги вақтда атроф муҳит, табиат, суву ҳавонинг ҳар томонлама ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада ҳар хил касалликлар кўпаймоқда. Бундай ҳодисаларга йўл қўймаслик учун ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, баркамол, соғлом, атроф олами, жонли табиатни эъзозлайдиган, авайлайдиган, кўриқлайдиган қилиб етиштириш лозим. Тарбия аввал оиладан, боғчадан бошланиб мактабда давом эттирилади. Экология фанини боғча ва мактаб ўқувчиларига ўргатишдан мақсад:

1. Табиат олами, ундаги воқеа-ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида маълумот бериш;
2. Болаларда табиатни, авайлаб-асраш, уни бойитишга оид фаоллигини ошириш;
3. Давлатимизни, табиатни

зорат турларига 5 балл, оралик назоратига 10 балл, якуний назорат турларига 40 балл қўйилади. Бу сўров жорий назорат асосида олиб борилади. Ўқитувчи ўтилган мавзунини мустаҳкамлаб янги мавзуга боғлайди. Янги мавзу тушунтириладиганда ёниш қандай ҳодисага кириши, моддаларни ёндириш учун керак бўладиган шартлар, алангаланиш ва ундан келиб чиқадиган зарарлар, ёнгини тўхтатиш, олдини олиш чоралари, ёниш ҳодисасининг моҳиятини тушунтириб, рангли расмларда ёнгини келиб чиқиш натижаларини кўрсатиб, гапириб беради. Доскада қуйидагилар режа асосида ёзилган бўлади.

1. Мавзу.
 2. Таърифи - ёниш нима?
 3. Моҳияти.
 4. Реакция тенгламаси
- а) Углерод + кислород = кар-

КИМЁ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

авайлаб асраш, уни бойитиш, табиатни кўриқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништириш;

4. Уйда, мактабда ва бошқа жойларда ҳавони ифлослантирадиган чиқиндилардан холи қилишга ўргатиш;

5. Кимёвий ичимликлар орқали муҳитнинг бузилишини: ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсон организмга салбий таъсирини англаш ва ҳоказо.

Қуйида экология фанининг қандай татбиқ қилинишини | соатлик дарс мобайнида кўриб чиқамиз.

Мавзу: Ёниш, унинг моҳияти ва олдини олиш чоралари. Мақсад: Ўқувчиларни атроф муҳитни, табиатни авайлаб асрашга ўргатиш.

Дарснинг жиҳози: спиртовка, шам, ёғочдан ясалган таёқча, шиша пластинка, чинни косача, рангли расмлар.

Дарснинг бориши: дарсни ташкил этиш: Саломлашиш, давоматни, уйга берилган вазифани, ўтилган мавзунини аниқлаш.

Ўтилган мавзу: атмосферани ифлослантирувчи манбалар ва ҳавони ифлосланишдан сақлаш.

Ўтилган мавзунини сўраш доскага олдиндан ёзиб қўйилган кичик тестни бажаришдан бошланади. Ўқувчилар тестни бажариш мобайнида ўқитувчи уйга берилган вазифани белгилайди ва ўқувчилар билимини кўп балли рейтинг тизими асосида баҳолайди. Жорий на-

бонат ангидрит; шам + кислород = сув + карбонат ангидрит.

5. Секин оксидланиш ва ўз-ўзидан ёнишга мисол,

6. Ёнгининг олдини олиш чоралари /усуллари ёзилган бўлади/. Ўқитувчи дарсни тушунтириш мобайнида атроф муҳитни зарарлантириш йўллари билан бири мана шу ёниш эканлиги ва ундан келиб чиқадиган оқибатларни гапиради ҳамда ўқувчилардан ёнгини келтириб чиқарувчи сабаблар сўралади. Ўқувчилар жавоб берадилар. Ўқитувчи мактабнинг биринчи қаватида алоҳида "Ёнгин ва унинг олдини олиш усуллари"га оид стенд борлиги, мактаб ўқувчилари орасида алоҳида ёш ўт ўчирувчилар гуруҳи борлиги, ҳар қаватда ёнгин бўлганда ўқувчиларни қаердан, қандай қилиб олиб чиқиш кераклигини ифодаловчи жадвали ҳамда ўт ўчириш воситалари борлигини айтиб ўтиш билан мавзунини мустаҳкамлайди. Бу нарсалар ҳар бир мактабда бўлиши шарт. Хулоса қилиб айтганда, бу мавзу орқали ўқувчиларни атроф-муҳитни қадрлаш, авайлаб-асраш, муҳофаза қилишга ўргатишдан иборат.

Саида НИЗОМОВА.
Собир Раҳимов туманидаги 28- таянч мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

Ҳар бир инсон қалбида санъатга бўлган ташналик, иштиёқ мавжуд. Аммо ана шу иштиёқни санъат даражасига олиб чиқишда Оллоҳ томонидан инъом этилган истеъдод ҳамда бандасидан мақсадга эришиш йўлида собитлик, фаоллик керак бўлади. Бу карвоннинг оғир юкини елкасида кўтара олган, миллий қўшиқчилик санъатида алоҳида мактаб яратган санъаткор, ўзбек хонадонларининг суюкли ҳофизи, Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти **Ортиқ Отажоновдир.**

Ортиқ Отажоновнинг қўшиқлари кириб бормаган қалб борми? "Ўтган кечалар", "Муҳаббатсан", "Қирғоқдаман", "Бўлар энди", "Она", "Онаю ота", "Баҳоримсан", "Қаро кўзим", "Муножот"... Бу қўшиқлардан ёғилган маъно, таралган оҳангга маст бўлмай иложингиз йўқ. Беихтиёр бошингиз тебранади, баъзан кўзларингиз ёшланади, гоҳо эса хаёл дарёсига фарқ бўласиз.

— **Ортиқ ака, суҳбатимизни беғубор болалигингиз қандай кечангиздан бошласан?**

— Болаликни соғинайдиган, кўсмайдиган инсонлар кам бўлса керак. Бу давр гоҳо хотирамда тикланади, гоҳида узоқлашади. Хоразмнинг Богот туманида туғилиб, вояга етдим. Энг ширин дамлар шу гўзал туманининг сўлим Хитой қишлоғида қолган. Хоразм халқи ниҳоятда санъатсевар. Ҳар икки одамнинг бири ё қўшиқ айтади, ё мусиқа асбобларидан бирини чалади.

— **Мактабдаги биринчи ўқитувчингиз ёдингизми?**

— Билим бу ҳаёт чирогидир, ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақш кабудир. Бу тушунчани ёш бола онгига сингдириш ўз-ўзидан бўлмайди, ўқитувчининг билимдонлигига боғлиқ. Илк бор мактаб остонасидан ҳатлаганимда Исмоил Қулёзов деган муаллим мени қарши олган. Қувончим чексиз, ўзимни катталардек ҳис қилиб, синфхонага кирганман. Бу мураббий билан нафақат мактабда, балки уйда ҳам руҳан бирга эдим. Мен биринчи устозимдан доимо миннатдорман.

— **Санъатга меҳрингиз қачон пайдо бўлган, куйлаган илк қўшигингиз?**

— Отам балиқчилик билан шуғулланган. Онам уй бекаси, мен қишлоқда мол боқиб катта бўлганман. Ўша кезларда радио, телевизор, пластинкада эшитган ашулаларни хиргойи қилиб юрардим. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, санъатга кириб келишим тасодифан рўй берган эмас. Ёшлигимда мен ҳам отамга ўхшаб балиқ тутишга ишқибоз бўлиб, кўлдан бери келмасдим. Лекин тақдир-пешона насиб этгани — умрим санъат билан боғланиб кетди. Урганчадаги мусиқа билим юртида ўқидим, изландим. Қўшиқ куйлаш ёш қалбимни беихтиёр санъатнинг соҳир оламига етаклаб кетди. Мен ҳаётни қўшиқ билан чиройли, гўзал деб тушунаман. Илк марта Сафо Очил шеъри билан "Айтсамми ё айтмасам",

"Нега уёласиз" қўшиқларини ижро этганман.

— **Ортиқ ака, халқимизда "Устоз отангдан улуг" деган нақл бор, санъат соҳасида устоз деган сўзга сизнинг муносабатингиз?**

— Ривоят қилишларича, бир йигит уста кулолга шогирд тушибди. Кулолнинг дўконидан сопол лаганлар тайёрланар экан. Йигит жуда ҳам меҳнаткаш, тиришқоқ экан. У бу касбнинг сир-асрорларини пухта эгаллаб бошлабди. Орадан

Меҳмонхона



ни ундан ола билади.

— **Халққа танилишнинг яхши томони нимадаю, ёмон томони қандай?**

— Халққа танилишнинг ёмон томони бўлмаса керак. Машҳурликнинг яхши томонлари кўп. Биринчидан, санъаткор халққа танилгани, у доимо эл назарида туриши керак. Инсон сифатида ҳам, қўшиқчи

ларнинг кийинишида миллийлик кўринмайди. Миллийликни санъат орқали тарғиб этмасак, унинг қадри қоладими?

— **Шу ўринда бир савол... Ёшларимиз енгилелпи қўшиқларга ўч. Мумтоз санъат намуналарини уларнинг аксарияти эшитмайди. Бунинг сабаби нимада?**

— Бу тарбиямизнинг қашшоқлигидан келиб чиқади. Болаларга кичик ёшидан бошлаб мумтоз адабиёт, санъат намуналари ҳақида тушунча беролмаймиз. Ота-оналаримизнинг ўзлари ҳам буни тушунишмайди. Ота-онаки шундай бўлгач, фарзанддан нимани кутиш мумкин? Санъат бадий кенгашларида талабчан устозлар қатнашиши керак.

Ёшимиз бир жойга бориб, ақл теранлашгач, қай биримиз "Шашмақом", "Муножот", "Қаро кўзим"ни тинглаганда, тебранимаймиз. Менимча, мақом ва баётларни тинглаб, ту-

олмаяптилар, бу ҳақиқат. Айтаверсангиз, бунинг сабаблари бир дунё.

Бола юрди, тили чиқди, ҳаётга қўшилди. Борлиқни кузатиб, фикр юрита бошлади. Аммо энди унга онанинг алла айтиши эришроқ туюлади. Демак, энди алланинг давоми қўшиқ бўлиши керак. Бу шундай қўшиқ бўлиши керакки, сўзларида ҳам, куйида ҳам она алласининг оҳанги, яъни миллийлик уфуриб турсин! Нима учун халқимиз Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Эргаш Йўлдошев, Муроджон Аҳмедов, Таваккал Қодировлар ижро этган қўшиқларни берилиб, сел бўлиб тинглайди? Чунки уларда миллий оҳанг устувор туради. Сўз жавоҳирлари жаранглайди.

— **Сўнгги савол: "Маърифат" муштарийларига тилақларингиз?**

— Аввало, улар соғомон бўлишсин. Бошлари тўйдан чиқмасин, юзларидан кулгу, табассум асло аримасин. "Маърифат" журналистларига тилагим, халқимиз ҳаётида бўлаётган янгилик ва ўзгаришларни, ҳақиқатларни ёритиб бериб турсинлар. Биз каби санъаткорлар билан суҳбат уюштираётган газетангиз таҳрир ҳайъатига парвоз, мухлисларига эса танисхатлик, тинчлик истаб қоламан. Аввало эл-юртимиз осойишта бўлсин. Тинчликка ўз ҳиссасини қўшаётган ҳар бир инсонни Оллоҳим ўз паноҳида асрасин. Юртимизда сокинлик барқарор экан, ҳаёт гўзал, осмон мусаффо, шундан-да ҳаётимиз ҳам сафолидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир ишдан, фаолиятдан кўзланган мақсад бўлади. Шу жумладан қўшиқчининг ҳам ўз мақсадлари бўлади. Лекин қўшиқ куйлашдан мақсад — инсонларни яхшиликка, эзгуликка чорлашдир, қўшиқларимиз билан болаларимизни ўзбекона руҳда тарбиялайлик. Уларни иймонли, эътиқодли, она-Ватанга, меҳнатга муҳаббат руҳида ўстирайлик. Донишмандлардан бирининг таъкидлашича, қўшиқ билан ҳам чанқоқни қондириш мумкин экан.

Ҳа, қўшиқ бу ижод, қўшиқ бу тарбия, қўшиқ бу сеҳр. У сиз интилаётган манзил, у сиз йўқотиб қўйган дунё, у сизнинг армонингиз, у сиз севган ёр. Ҳамма-ҳаммаси қўшиқда мужассам. Шу боис ҳам қўшиққа ташна бўлмаган юракнинг ўзи йўқ.

— **Ортиқ ака, қўшиқларингиз ўзбек хонадонларида жаранглайверсин!**

Суҳбатдош

Насриддин БОТИР

“ҲАЁТ — ШУНДАН САФОЛИ”

икки йил ўтибди, йигит тайёрлаган кулолчилик анжомлари жуда маҳорат билан тайёрланганлиги сезилиб турар, аммо устози тайёрлаган лаганлардек жололанмас экан. Шунда йигит устозидан, бунинг сирини нимада, деб сўрабди. Устоз шундай жавоб қилибди:

— Эй ўғлим, сен тайёрлаган лаганларинг ҳам шунанга чиройли бўлиши учун "пуф" дейиш етмайпти, бундан кейин тайёрлаган анжомларингни қўлингга олгинда, куёш тафтига тутиб "пуф" дегин, шунда сеники ҳам меникига ўхшайди, — деган экан.

Демоқчиманки, санъатда устозсиз йўл топиш қийин. Устозлик масъулияти мактабда бўладими, хунарда бўладими, санъатда бўладими, фарқи йўқ. Гўёки устоз-шогирд — бир дарёнинг икки қирғогидир.

— **Бунга сиз нима дейсиз? Ҳаммага бирдек манзур бўладиган куй-қўшиқлар яратиб бўладими? Омон Матжоннинг "Умр ўтар, вақт ўтар" шеъри билан айтилаётган қўшиқингиз, ўйлашимча, халқимизга жуда маъқул тушган, бунинг сирини нимада?**

— Қандай қўшиқ бўлмасин, хонанда ёки ҳофизи яхши ижро этса, овоз яхши бўлса, куй ҳам шунга монанд бўлса, шунда халқнинг дилидаги туйғу уйғоқлашади, руҳиятига ижобий кайфият инади. Эшитган ҳар қайси инсон ўзига кераги-

санъаткор сифатида ҳам бунга муносиб бўлсин. У оилада ҳам ўрнатилган бўла олгани, табиийки, шунда фарзандлари ҳам унинг кетидан эргашади. Мен халққа танилганимдан жуда ҳам хурсандман. Дунёда ўзбекдай халқ ҳеч қаерда йўқ. Бағри кенг, болажон, меҳмондўст халқимга доимо икки қўлим кўксимда, таъзим қиламан.

— **Сиз қайси санъаткорни ёқтирасиз, нима учун?**

— Устозим Комилжон Отаниёзовнинг ашула айтиш маҳоратига тан берганман. Айтган қўшиқларимда устознинг таъсири бор, лекин афсус, устозни кўра олганим йўқ. Ноёб истеъдод эгаси ҳаётининг ўрганилмаган қирралари бир дунё. У кишининг қўшиқларини айтсам, завқланаман.

— **Ҳозирги ёш ижрочилар ҳақида қандай фикрдасиз? Клипларга муносабатингиз?**

— Уларнинг аксарияти ўз қўшиқларини клиплар воситасида мухлисларга тортиқ этмоқда. Ёшлар ижросидаги қўшиқлар ранг-баранг. Лекин ҳар бир қўшиқнинг ўз тингловчиси бор. Масалан, ёшлар хуш кўрадиган қўшиқни қариялар ёқтирмайди ёки аксинча. Клиплар масаласига муносабатим ижобий. Бу — воқеаларни ўраб-чирмаб мухлисга инъом этиладиган кичик бир асар.

Лекин айрим хонанда-

шунишга инсон бир умр ўзини тайёрлаб боради.

Менинг санъаткор тўғрисида ўз фалсафам бор. Устозлар айтган қўшиқ классик усулда бўладими, лирик йўлдами, эстрададами, бузилмаслиги керак. Устозлар қандай айтган бўлса, шундайлигича халқимизга етказишимиз керак. Қўшиқларни бузмай айтиш, бу ҳам бир қаҳрамонлик.

"Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланади экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан қиради. Табиийки, Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгли дунёсига миллий руҳ қиради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдақнинг жисму жонида илди қолдиради", — деб таъкидлаган эдилар Президентимиз Ислам Каримов.

Бола алла орқали бешиқдаёқ Она тилининг оҳангини туя боради. Сўзларни илғай бошлайди, уни она хиргойи қилиб, болага беради. Аллаларнинг ҳаммасини қўшиқ дегим келади, қўшиқларни эса алла. Уларда инсон юрагини титратадиган аллақандай туйғу бор, умумийлик бор.

Хўш, нима учун бугунги ёшлар мақомни хуш кўрмайдилар? Улар бешиқда ётишмаяпти шекилли... Ёш оналар эса алла айта

Мамлакатимизда таълимни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш давлат аҳамиятидаги энг устувор вазифалар сирасига киради. Айниқса, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинганидан сўнг таълим тизимининг ўрта бўғинида янги давр бошланди десак, ҳеч бир муболага бўлмайди. Умумий ўрта таълим билан олий таълим ўртасидаги узвийлик ва изчилликни боғловчи таянч сифатида бутунлай янги ўрта махсус, касб-хунар таълими ташкил этилди. Шу кунларда республика Урта махсус, касб-хунар таълими Маркази ОУМТВнинг алоҳида таркибий қисми сифатида ташкил этилганига икки йил тўлмоқда. Ана шу қисқагина давр мобайнида Марказ республикада ўрта махсус, касб-хунар таълимини давлат талаблари даражасида шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда Миллий дастурда белгиланган асосий вазифаларни бажариш йўлида ижобий ишларни амалга оширди. Бир сўз билан айтганда, бунёд этиш ва янгиланиш жараёни кечди ва айти пайтда бу жараён давом этмоқда. Вилоятларда таълимнинг ушбу турини ташкил қилиш мақсадида ЎМКХТ бошқармалари тузилиб, улар тажрибали, малакали кадрлар билан таъминланди. Таълим мазмунини шакллантириш, ўқув-методик қўлланма ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этиш мақсадида ушбу таълим турини ривожлантириш институти ташкил этилди. Юқори малакали амалиётчилар ва тажрибали олимлар жалб этилиб, ҳудудий бошқармалар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолиятини белгилловчи кўплаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мухбиримизнинг таълимнинг мазкур бўғинидаги бугунги ижобий ўзгаришлар ва келажак режалар ҳақидаги саволларига республика ЎМКХТ Маркази "Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълим" бўлими бошлиғи Мойли Лафасов қуйидагича жавоб берди:

— Бугунги кунда ЎМКХТ Маркази ўз фаолиятини "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга, янги академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган ўқувчи-талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга қаратмоқда. Ушбу юксак вазифаларни бажаришнинг бирламчи асоси сифатида ўқувчи-талабаларимизга жаҳон андозаларига мос, ҳар томонлама қўлайликларга эга бўлган замонавий янги ўқув биноларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Узлуксиз таълим тизимининг ўзаги бўлган, мазмунан янги ўрта махсус, касб-хунар таълими турини жорий этиш, янги ташкил этилаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг моддий-техник базаларини вужудга келтириш ва уларни замон талаблари даражасида жиҳозлаш учун асосий талаблар ва техник топшириқлар ишлаб чиқилди. Ана шу мақсадга республикамизнинг 6 та йирик лойиҳалаш институтлари томонидан 34 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. 1998-99 ўқув йилида тажриба тариқасида 15 та академик лицей ва 20 та касб-хунар коллежлари ташкил этилган бўлса, 1999-2000 ўқув йилида саккиз минг ўқувчига мўлжалланган 13 та академик лицей, элик саккиз минг ўқувчига мўлжалланган 90 та касб-хунар коллежи ишга туширилди. Янгидан қурилган ва реконструкция ҳисобига барпо этилган бу ўқув муассасалари таълим-тарбия ишларини амалга оширишдаги қўлайлиги билан ўқувчи ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишларига зарур бўлган шарт-шароитларни тўла

ўзига мужассам этади. Ўқувчилар академик лицейларда аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар, иқти-

содиёт ва хорижий филология каби 5 та йўналишда, касб-хунар коллежларида эса 30 хил касб-хунар йўналишида 74 та мутахассислик бўйича таълим-тарбия оломоқдалар. Уларга 1552 нафардан ортиқ ўз фанининг билимдони ва кўп йиллик тажрибага эга олий маълумотли педагог, муҳандис-педагоглар, ишлаб чиқариш таълими усталари сабоқ бермоқдалар.

Айни пайтда республикамизда 760 тадан ортиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари мавжуд бўлиб, улардан 560 тадан кўпроғи ЎМКХТ Маркази тасарруфидadır. Марказга қарашли бўлган таълим даргоҳларини фанлар бўйича мутахассис кадрлар билан таъминлаш асосий вазифаларимиздан бирига айланган. Чунки ўз мутахассислиги бўйича юксак билим ва малакага эга кадрлар билан ўқув юртларини таъминламасдан туриб, соғлом авлодни тарбиялашдаги кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янада яхшилаш чоралари кўрилди. Ушбу курслар таянч олий ўқув юртларида ташкил этилиб, унда 1998 йилда академик лицейлардан 193 нафар, касб-хунар коллежларидан 397 нафар педагог ўз малакасини ошириб, махсус сертификатга эга бўлган бўлса, 1999 йилда 6080 нафар педагог ва муҳандис-педагог кадрлар малака оширдилар. Ҳозирги кунда ҳам бу масалага жиддий эътибор

қаратишмоқда.

Янги турдаги таълим муассасаларини замонавий ўқув лаборатория анжомлари, мебеллар, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув кўргазмалари қуроллар ва бошқа зарурий ашёлар билан жиҳозлаш мақсадида мунтазам равишда кўргазмалар ўтказилиб, уларга энг сифатлиларини сотиб олиш мақсадида тендер савдолари ҳам ташкил этилди. Бу ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси жойларда таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Ҳозир билим даргоҳларида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратиляпти. Давр талаблари асосида дарсларни ташкил этиш, ўқитувчиларни ўқув режа ва дастурлар билан ўз вақтида таъминлаш Марказ фаолиятининг диққат марказига турган муҳим вазифалардан биридир. Бу борада тубдан ўзгаришлар қилинмоқда. Яъни ўқув фанларининг ўқув-методик тизими (ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар ва қўлланмалар)ни

давлат таълим стандарти талабларига жавоб берадиган тарзда яратишга киришилди. 1999 йилда касб-хунар коллежлари учун 95 та йўналишда ва академик лицейлар йўналишлари учун 12 та тажрибавий ўқув режалари тайёрланиб, мутахассислар ва тегишли ташкилотлар томонидан тақриз қилиниб, амалиётга тадбиқ этилди. 1999 йилда очилган таълим муассасалари учун 15 та умумтаълим, 5 та шахсни ривожлантириш фанларидан, 98 та чуқурлаштирилган фанлардан ўқув дастурлари тайёрланиб, китобча ҳолида чоп этилди. Касб-хунар коллежлари учун умумкасбий ва махсус фанлардан 1200 та ўқув дастури тайёрланди. Ҳозирги вақтда бу ўқув дастурлари тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Мутахассис ўқитувчилар ва олимларнинг фикри ҳисобга олинган, янги ўқув йилига қадар қайта ишланиб, жойларга етказилади.

Ўқув юртларида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш ва ўқувчи ёшлар турмуш тарзини яхшилаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам эътиборли ишлар олиб борилди. ЎМКХТ Маркази тасарруфидаги ўқув юртлари ўртасида республика "Камолот" жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган ва ўтказилиши аънаёнага айланиб бораётган "Сиз тарихни била-

сизми?", "Сиз қонунни биласизми?", "Шунқорлар", "Қувноқлар ва зукколар" каби тадбирлар бунга мисол бўла олади. Ўқув юртларидаги маънавият ва маърифат хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланиб, ўзининг зиё тарқатувчи ва маънавий озуқа берувчи мазмунига эга бўлиб бормоқда.

Ўқувчи ёшлар — келажак бунёдкори ва яратувчиларидир. Жамиятни янгилаш ва ислоҳ этишнинг долзарб вазифаларини ўзига мужассам этган Президентимиз Ислам Каримовнинг асарлари ва Олий Мажлис сессияларида сўзлаган нутқларини ўқув юртларида ўқитиш ва ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, булар юзасидан махсус курсларга ўқувчиларга сабоқлар берилмоқда. Ўқувчи ёшларнинг турли хил диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг дарс давомида ва дарсдан ташқари вақпларидан унумли фойдаланишларига аҳамият берилиб, бу борада махсус курс киритилди, йиғилишлар ва суҳбатлар

O'рта maxsus ta'lim

мон ташкилоти (GTZ) ва ушбу давлатнинг DSE ташкилоти, Британия Кенгаши томонидан ўтказилган қатор ўқув-услубий, амалий семинар-кенгаш, анжуманларда иштирок этдилар.

Босқичма-босқич касб-хунар коллежларидаги эскирган техника, ўқув дастгоҳлари, асбоб-ускуналар имкон даражасида алмаштириляпти, янги ўқув йилига харид қилинадиган ўқув жиҳозлари каталог ёрдамида тўлиқ номлари ва тахминий нархи кўрсатилган рўйхат тузилди.

2000-2001 ўқув йилида 180 тадан зиёдроқ янги турдаги таълим муассасаларини қабул қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Олиб борилаётган ижобий ютуқлар билан бирга зудлик билан бартараф этилиши керак бўлган камчиликлар ҳам мавжуд. Бу камчиликлар, асосан, айрим ўқув юртларидаги педагог ва муҳандис-педагогларнинг билим савияси талаб даражасида эмаслиги, айрим таълим муассасаси раҳбарлари раҳбарлик салоҳиятининг етарли даражада шакланмаганлиги, маънавий-маърифий ишларга лоқайдлик билан қарашига, санитария-гигиеник ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигида, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигига эътиборнинг сустлигида, ўқув муассасаларининг ўқув жиҳозларига хўжасизларча муносабатига намён бўлмоқда.

Олдимизда улкан вазифалар турибди. У ҳам бўлса, билим даргоҳларини қайта таъмирлаш ва ички имкониятдан келиб чиқиб, ўқитувчи ва ўқувчиларга қулай шарт-шароит яратиш ҳамда ички меҳнат интизомини кучайтириш билан бирга улар ўртасида илмга бўлган рағбатни кучайтиришдир. Шунингдек, ушбу масканларни давлат талаби даражасидаги ўқув режа ва дастурлар ҳамда юқори савияли педагог кадрлар билан таъминлаш ишларини такомиллаштиришдир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини бунёд этиш ва янгилаш йўлидаги мақсадли ишлар изчил давом этаверади. Бу борада ЎМКХТ Маркази ва унинг тасарруфидаги ўқув юртлари ходимлари келажакимизнинг асосий таянчи бўлган ёшларни ҳар томонлама етук, соғлом ва юксак маънавиятли ҳамда замонавий билимларга эга бўлишида таълим-тарбия ишларини янада ривожлантириш йўлида астойдил, фидокорона меҳнат қиладилар ва ўзларининг бор кучларини аямайдилар.

Нурлан УСМОНОВ
суҳбатлашди.

ЯНГИЛАНИШ

ВАҚТ: ТАЛАБА ВА ТАЪЛИМ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти ташкил этиш тўғрисидаги Фармон 1991 йилнинг 15 июлида чиқди. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг шарқшунослик факультети негизда таркиб топган институт жамоаси бугунги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалиётга жорий этмоқда.

Институтдаги мавжуд факультетларда 2500 га яқин талаба таҳсил олаёт-

тир.

Институт эшиги Шарқ мамлакатларининг тили, маданияти, адабиёти, тарихи, иқтисоди ва санъатини ўрганувчи ёшлар учун ҳаммаша очик.

— САҲИФАМИЗДА:

БОХАБАРЛИК
ТАДҚИҚОТ ВА ЯНА ТАДҚИҚОТ
ТИЛЛАР ОЛАМИГА «САЁҲАТ»
СУГАНО ХОНИМ НИМА ДЕЙДИ?

Ta'kid

БОХАБАРЛИК

Бугунги кун сиёсати талабага қай даражада етказилиши керак? Мамлакатимиз ҳаётида бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳамда Президент асарлари орқали. Чунки уларда республикаимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маънавият масалалари чуқур таҳлил қилиб берилмоқда. Нафақат таҳлил, балки муаммолар ечими ҳам уларда ўз аксини топган. Ҳозирга қадар эълон қилинган Президентимизнинг долзарб асарлари институт кутубхонасида мавжуд. Мазкур асарларни ўрганиш учун институтиимизда махсус курслар жорий қилинади. Яқиндагина Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус буйруғи эълон қилинди. Бунга кўра, юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, маърузаси учун 12 соатлик махсус курс жорий қилинди. Талабалар 6 соатлик маъруза, 6 соатлик амалий машгулотда ушбу нутқда илгари сурилган гоёларни, мақсад ва вазифаларни англаб етадилар. Зеро, давлатимизнинг бугунги сиёсатидан бохабар талаба ҳар қандай муаммага ечим топа олади.

М. АХМЕДОВА,
институт «Ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедраси мудири.

Илмнинг бирор соҳасига қўл уришга ҳар ким ҳам журъат этавермайди. Бадиий бир ташбеҳ билан айтадиган бўлсак, илм — адо бўлмас хазинадир.

Тошкент Давлат шарқшунослик институтидаги илмий ишлар бир неча йўналишларда ўз аксини топаёттир. Бунга илмий-амалий анжуман, симпозиум, давра суҳбатлари, халқаро илмий алоқалар, илмий ва ўқув нашрларини чоп этиш, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси, илмий-тадқиқот гуруҳлари фаолияти киради. Илмий-тадқиқот ишларида адабиётшунослик, тилшунослик, шарқ тилларини ўқитиш методикаси, Шарқ мамлакатлари иқтисоди, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданияти, Шарқ мамлакатларидаги сиёсий жараёнлар ўрганилмоқда.

Институтимиз базасида 1997-99 йиллар мобайнида ўтказилган турли анжуманларда 300 га яқин маърузалар тингланди. Нафақат тингланди, балки уларга ўз вақтида муносабат ҳам билдирилди.

Фан-техника Давлат қўмитасининг 1997 йил 7 февралда чиқарган қарорига мувофиқ, институтиимизда аспирантура бўлими очилди. 1998 йилдан бошлаб эса докторантура ҳам иш бошлади. Бугунги кунда 79 нафар аспирант, 14 нафар стажёр-тадқиқотчи, 2 нафар докторант юқорида айтиб ўтилган мавзуларни ўрганиш билан машғул.

Ҳўш, аспирантура бўлими қандай фаолият юритмоқда? Ҳар йили икки мартаба кафедралар билан биргалик-

да аспирантларнинг атестацияси ўтказилиб, улар томонидан шахсий иш режасида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши даражаси назорат қилиб борилмоқда. Кафедра ва илмий раҳбар билан алоқани узган аспирантлар ўқишдан четлаштирилади. Аспирантларнинг кафедрани вакиллари билан мунтазам равишда олиб бориладиган умумий йиғилишларида бўлимга тегишли асосий масалалар муҳокама қилинади.

Албатта, аспирантурага кириб ўқиш истагида юрганлар жуда кўп. Ўтган йили, айниқса, ҳужжат режадагидан икки баравар кўп бўлди. Табиийки, улар

ТАДҚИҚОТ ВА ЯНА ТАДҚИҚОТ

танлов йўли билан сараланди. Институтимизда қарор топган халқаро илмий алоқалар хусусида гапирмасдан ўтолмаймиз. Европа ҳамжамиятининг «ИНТАС» халқаро ташиқлот таркибига илмий факультет кафедраси мудири А. Мўминов иштирок этиб, ҳозир у Францияда илмий стажировкада.

Аспирант С.Фофуров Буюк Британиянинг Оксфорд Илмий тадқиқотлари марказида бўлиб қайтди. Кейинги икки йил давомида 40 га яқин институтиимиз профессор-ўқитувчилари турли халқаро анжуманларнинг иштирокчилари бўлишди.

14 га яқин хорижий мамлакат олий ўқув даргоҳлари билан ту-

Milliy dastur — amalda

зилган ҳамкорлик шартномалари амалда ўз ифодасини топмоқда.

Иқтидорли талабалар маркази ҳам бу ерда илмий ишларнинг янада такомиллашишига ёрдам беради, деб ўйлайман. Бундай талабалар 37 нафар бўлиб, улар ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол, ҳозиржавоб.

Марказ бир йил аввал вужуга келган. Иқтидорли талабалар сони қатъий чегараланмаган. Табиийки, унга талабаларнинг аксарияти аъзо бўлгиси келади, лекин ҳаммасига ҳам насиб қилмайди. Бу марказ аъзоллигига қабул қилинган талаба ўз олдида қўйилган талабаларга жавоб бермаса, марказдан узоқлаштирилади.

1997 йилда Қувайтдаги ал-Баптин қўмитаси томонидан таъсис этилган Имом ал-Бухорий номидаги халқаро танловда иштирок этиб, «Мусулмон халқларининг санъати ва бадиий ижоди» номинацияси бўйича 15 минг АҚШ доллари ҳажмидаги мукофотини қўлга киритдим. Мазкур маблағ хайрия сифатида «Умид» жамғармасига ўтказилди.

Миллий дастур келажак ҳақида қайғуриб қабул қилинган давлат ҳужжатида. Бинобарин, дастур узлуксиз таълимни амалга оширишга йўналтирилса-да, илмий тадқиқотларни ҳам тақозо қилади. Демак, илмий тадқиқотлар давом этади.

Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
институт ректори,
филология фанлари
доктори, профессор.

O'rinbosarlar

ТИЛЛАР ОЛАМИГА «САЁҲАТ»

Узлуксиз таълимнинг ўрта бўғинига мансуб академик лицейимиз 1997 йилда Юнусобод туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ҳамда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректорати саъй-ҳаракатлари билан вужудга келган эди. Орадан бир йил ўтиб, унга академик лицей мақоми берилди.

Ҳозирги вақтда лицейимизга тест синовлари асосида қабул қилинган 206 нафар ўқувчи шарқ тилларини ўрганишмоқда. Бошқача айтганда, тиллар оламига «саёҳат» босқичма-босқич, оддийдан мураккаблик сари давом этади. Бу борада институт жамоаси ўз ёрдами-ни бериб турибди. Ўқитувчиларимиздан икки нафари фан номзоди, 8 киши олий тоифали ва 9 киши биринчи тоифага мансуб. Лицейимизда хорижий тилларни пухта ўрганиш учун замонавий жиҳозлардан ташқари, янги технологик намуналар ҳам мавжуд. Ўқувчиларнинг эса орзулари оламча: шарқ ва ғарб тилларини мукаммал билувчи мутахассисга айланиш. Ўйлайманки, лицейимизнинг 2001 йилда учирма қилинадиган илк битирувчилари ва кейингилари ҳам бу мақсадга эришадилар.

Шавкат Орипов,
институт қошидаги
академик лицей
директори.



Япониялик ўқитувчи Фуржиэдо Кентти талабаларга япон тилидан дарс ўтмоқда.

СУГАНО ХОНИМ НИМА ДЕЙДИ?

Япониялик хоним Сугано Рейко 1991 йилдан бери Тошкентда. Мутахассислиги япон тили бўйича. Она шаҳри Токиога ҳам вақти вақти билан бориб туради. Рус тилида анчамунча сузлашишни ўрганиб олган Сугано Рейко институтда фаолият курсатаётган япониялик 9 нафар ўқитувчидан биридир. Яхшиси, унинг фикрларига бир кулок тутиб куришга: — Институт ректорати ва ўқитувчилар жамоаси бизга нисбатан жуда эътиборли, гамхўр. Бу ерда ўз она тилимизни талабаларга мукаммал ўргатиш учун нимаики лозим бўлса, муҳайё. Мен 3-курс талабаларига дарс бермоқдаман. Ҳафтасига 16 соат. Ўзбек йигит-қизларидеги илмга ташналик, жиддийлик, мулоҳазақорликка тан берганман. Умуман, Ўзбекистон халқи менга манзур. Бу юрда 1991 йилдан бери яшаб, жуда ўрганиб қолдим. Токиога борсам, Тошкент мени узига тортаверди. Бу менинг ўзбеклар юртига нисбатан тугилган муҳаббатим бўлса керак...



Ризо Абдул Ҳаким Ҳасан (Миср) билан мулоқот ўзбек талабалари учун завқли.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

НАВОИЙ ДАҲОСИНИ ЎРГАНЙЛИК

Тенгдошларим билан суҳбатлашганимда Алишер Навоий ҳақида сўз очилиб қолса, дарҳол унинг асарларини тушунмасликларини, ижоди ва ҳаётини яхши билмасликларини баҳона қилиб бошқа мавзудан гапиришни маъқул топишди. Нега шундай? Беш асрдан бери умуминсоний гоёларни тараннум этган улуг шоир ижодини нега яхши билмаймиз?

Агар яхшироқ суриштирсангиз, улар Навоийни ўқишган, асарларини мутолаа қилган бўлади. Лекин асарнинг гоё ва мазмунини яхши тушунмаганликлари сабабли тезда унутишди. Идрок этилмаган, асаргина хотирада турмайди. Шу маънода имкон қадар Навоий ижодини чуқурроқ ўрганишга, ёд олишга, хотирада сақлашга ҳаракат қилишимиз керак. Тўғри, асардаги гоё, мазмун, ўрни келганда сўзларнинг маъносига тушунмай қоламиз. Шунда луватлардан фойдаланилса, ёмон бўлмайди. Бу мураккаб бўлиб туюлиши мумкин, аммо мукамалликка интилган инсонгина мураккабликни енгиб ўтади.

Биз таълим олаётган Жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган академик лицейда адабий меросимизни ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Алишер Навоий ижодини талабаларга ўргатишда малакали мутахассисларнинг хизматлари катта. Лицей директори, доцент Ж. Х. Ҳасановнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги туфайли ҳар бир синф хонасига Алишер Навоийнинг асарларидан намуналар ва портретлар келтирилди. Шунингдек, бошқа қатор улуг бобокалонларимиз, шоиру ёзувчиларимизнинг ҳаётлари ва ижодлари ҳақида ёзилган китоб, кўргазма воситалари ҳам лицейимиз хоналарини безаб турибди. Талабаларнинг аждодлар меросини қанчалик ўқиб ўрганаётганликларини ўқитувчиларимиз доимо назорат қилиб турадилар, баҳс-мунозара уюштирдилар. Бу эса бизларни янада чуқурроқ изланишга, интилишга даъват этади.

Раъно МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган академик лицейнинг талабаси

Бугунги кунга келиб кино-телеэстетика муаммоларини кун тартибига кўйишга зарурат туғилди. Телевидениедан аҳолининг барча қатламлари талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, намоийиш этиладиган курсатувлардан ташқари кинонинг турли, жумладан, ишқ савдоси, отишмаю зуравонлик мавзуларидаги ёки шунчаки “олди-қочди” типдаги мазмунан саёз, эстетик савияси паст томошалар ҳам ўрин олаётгани сир эмас. Турли мамлакатларда суратга олинган бундай асарлар томошабинга қай йўсинда таъсир кўрсатмоқда? Мазкур кино-видеотасмаларининг бадий, гоёвий савияси қай даражада? Уларга қизиқиш ортиб бораётгани ёки пасайиб кетаяптими? Айтиш жоизки, намоийиш этилаётган қатор сериаллар, уларнинг савияси томошабинлар дидини ўтмаслаштирамоқда, анча паст даражада шаклланишига олиб келмоқда. Бу борада махсус социологик тадқиқотлар олиб борилмаётир. Зеро, кино-телеэстетика масалалари билан, теледастурнинг томошабинлар томонидан қабул қилиниши психологияси билан изчил шугулланмоқ лозим. Биз эса қуйида телетомошабиннинг заковати, унинг дидини бадий мезонлар билан бойитиш эҳтиёжи ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Теле-киносериалларнинг сони тобора ортиб бораётгани, савияси эса қаноатлантирмаётганини қайд этганимизда, биз кўпроқ бу тасмаларни куриш, узлаштириш психологияси — томошабиннинг эстетик тарбияси ҳақида уйлашимиз лозим. Зотан,

лари борасидаги тажрибалар фақат телесолнома, киносолнома яратишдагина эмас, балки аудио-визуал санъатларнинг хазинасини бойитишга, бадий имкониятларининг тақомиллашувида хизмат қилиши мумкин.

Телевидение ва кинонинг асосларини ташкил этадиган тасвир, ранг, ҳаракатни, даврий изчилликни тасвирлашга қодир булган туқимани, эстетик шаклни, мажозий ифодани, монтаж йулларини қўллашда Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзод асарлари бизга ҳозир ҳам буюк намуналар хизматини уташи мумкин. Яқин ўтмишда ижод этган улуг шоир Чулпоннинг “Адабиёт надир?” деб савол қўйиб, унга берган жавобини кинога, ТВга татбиқ қиладиган бўлсак, аудиовизуал санъатларнинг ҳозирги аҳволини чуқурроқ тушуниб етамиз, ҳал этилмаган масалалар ижоднинг бу соҳаларига уз таъсирини курсатаётганини англаймиз. Шу билан бирга, бу заҳматкаш ижодкорнинг куюниб айтган фикрлари янги санъатларнинг эстетик вазифалари, имкониятлари ҳамда бу соҳада изланадиган, фаолият курсатадиган ижодий кадрлар тайёрлаш устида мулоҳаза қилишга, муҳим ҳулосаларга келишга ёрдам беради. Чулпон адабиётни “булоқ суви”, “маърифат суви” деб таърифлайди, уни сувдек, ҳаводек зарур, деб билади. “Адиблар етиштирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, уйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз булур”, деб ёзади шоир. Эндиликда китобхон сонидан телетомошабин, кинотомошабин сони неча минг баробар кўплигини назарда тутсак, малакали телережиссёр, теледраматург, кинодраматург тайёрлаш қанчалик долзарблигини англаймиз.

ЭКРАН МАҲСУЛОТИ ВА ТОМОШАБИН ЗАКОВАТИ

Кино-телеэстетиканинг ўқув дастуридан ўрин олиши зарурлиги хусусида айрим мулоҳазалар

мазкур асарлар юртимизда эмас, асосан, хорижий мамлакатларда яратилмоқда ва миллионларнинг эътиборига ҳавола этилмоқда. Бинобарин, уларни — томошабинларни бу сериалларни тўғри, ҳаққоний баҳолай билиш даражасида тарбиялаш — улар эстетик дидини шакллантириш долзарб масалалардандир. Бунинг учун, бизнингча, аввало, педагогика ўқув даргоҳларида талабаларга телеэстетика, киноэстетика ва уларнинг маданий меросимиз билан боғлиқлигини етказувчи амалий ва назарий машғулотлар утказиш масаласини ҳал этиш керак. Шу йул билан эртаиндин мактабда, урта ва олий ўқув юрларида таълим-тарбия берадиганларга аудиовизуал санъатларнинг асосларини озми-кўпми узлаштиришлари учун замин яратган бўламиз.

Бу соҳада айрим хорижий мамлакатларда олиб борилаётган ўқув-методик ишлардан ўргансак, тажриба алмашсак фойдалан ҳоли булмайди. Айни пайтда ўзимизда мавжуд манбаларга мурожаат этиш, уларнинг аудио-визуал санъатлар эстетикасини урганиш учун хизмат қиладиган жиҳатларини аниқлаш ҳам ижодий, ҳам илмий-маърифий аҳамиятга эгадир. Чунончи, Абу Наср Форобийнинг санъатлар уртасидаги муносабат ҳамда уларнинг бири иккинчисидан “миқдор жиҳатдан” фарқ қилиши ҳақидаги ажойиб таълимоти телевидение ва кинонинг имкониятлари ҳақида фикр юритишга хизмат қилибгина қолмай, бу санъатларнинг синтетик табиати, асрлар давомида пайдо булган бадий тажрибадан фойдалана олиши сабабларини англашга ҳам ёрдам беради. “Бобурнома”, умуман, номачилик анъана-

Ҳозирча Маннон Уйғур номидаги санъат институтида ҳамда Абдулла Қодирий номидаги маданият институтида кино асослари, аудиовизуал санъатлар асослари, экран драматургияси, тасвирий воситалари, режиссураси буйича назарий ва амалий машғулотлар олиб борилаётир. Аслида кино-телеэстетика масалаларини кенг қамраб олган дастур асосида барча олий ўқув юрларида узлуксиз машғулотлар олиб борилишига эҳтиёж бор. Эҳтимол, техника институтларида ҳам бу машғулотларни, имкониятдан келиб чиқиб, уринлатиш мумкин. Бу ҳолда ана шу машғулотларга сарфланган вақт, ҳеч шубҳасиз, уз самарасини беради. Гуманитар ўқув юрлари ва факультетларида эса ТВ ва кинонинг миллий маданият ҳамда оммавий ахборот воситалари таркибидаги ўрни билан боғлиқ масалалар кенг қўламда ўқитилишига ҳамда видеофильм, телефильм, публицистик ва бошқа асарларнинг таҳлили мисолида эстетиканинг катта ва кичик экран билан боғлиқ мураккаб жиҳатлари ўргатилишига эътиборни қаратиш керак.

Кино ва телеэстетикани ҳозирги ижодий амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда таърифласак-да, ижоднинг бу аудио-визуал соҳалари маданий меросини, унинг назарий асосларини мутлақо инкор этмаслигини, аксинча, ундан озиқ олишини ҳам назарда тутишимиз талаб этилади. Бинобарин, бу ҳол дастур тузилишида, таълим методикаси танланишида ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўпгина сабабларга кўра кечаги китобхон, театр ва кўргазма залларининг ихлосмандлари эндиликда теле-кинотомошабинга айланганини таълим-тарбия жонқуярлари инobatта олишлари керак. Зеро, санъат мухлисларининг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Ҳамидулла АКБАРОВ

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ҲАЁТ

Гояга қарши-гоя, жаҳолатга қарши — маърифат!..

Президентимиз 1998 йил “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида илгари сурган бу кўрсатмалар, хусусан, 1999 йилги февраль воқеаларидан кейин чинакамига ҳаётимиз дастурига айланди.

Чунки ҳозир ҳам баднийят, галамис, мамлакатимиздаги ҳуқуқий демократик тузумни кўролмаётган айрим кимсалар, уларнинг хориждаги гунаҳлари халқимиз, хусусан, ёшларимизни тўғри йўлдан чалғитишга, улар онгини заҳарлаб, узларининг гаразли мақсадларга қаратилган мафкураларини синдиришга уринаётганлар бор.

Миллий гоё ва миллий мафкурамиз қанча кучли ва у халқ онгига қанчалар мустақкам ўрнашган бўлса, буюк мақсадларимизга етишимиз шунчалар тезлашади. Ана шунда бизни ҳеч ким уз собит йулимиздан чалғита олмайди.

Тошкент Давлат иқтисодий университетиде профессор ва ўқитувчилар ҳамда кўп сонли талабалар иштирокида утказилган “Огоҳлик — давр талаби” мавзуидаги маънавий-маърифий анжуманда шу нарса алоҳида таъкидланди.

Республика “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбарининг муовини С. Олимов, университет ректорининг муовини И. Соифназаров, тадқиқотчи К. Раббимовлар “Миллий гоё ва миллий мафкура”, “Ёшларнинг маънавий камолоти — давр талаби”, “Ўзбекистонда диний вазият” мавзуларида маъруза қилдилар. Тадбир давлатимиз ва халқимиз олдидаги улугвор вазифалар билан чамбарчас боғлиқ таҳлиллар асосида ўтди. Унда миллий гоё, миллий мафкура, маънавият, маърифат, дин ёшларга бевосита ҳаётий далиллар билан тушунтирилди.

С. ҲОШИМОВ

Фикр юритиш, тафаккур қилиш — инсон ақлий фаолиятининг, онгли хатти-ҳаракатларининг юксак шакли ҳисобланади. Мустақил фикрлаш тева-рак-атрофни, ижтимоий муҳитни ҳамда воқеликни билиш курали, шунингдек, инсон фаолиятини оқило-на, самарали амалга оширишнинг асосий шартидир. Киши мустақил фикр юритиш жараёнида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, хотирлаб қолган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрили-ги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқеликка мос (мутаносиб) тушишини аниқлайди. Борлиқни билиш жараёнида ҳосил қилинган ҳукмлар, тушун-чалар, хулосалар, фаразлар (тахминлар), чиқари-лан қарорлар чин ёки чин эмаслигини белгилаб ола-ди. Мустақил фикрлаш орқали киши воқеликни умум-лаштириб, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, ху-сусиятлар ҳамда механизмларни англаб етади. Ҳозирги замон кишисининг билиши ва амалий фао-лиятини оқилона, самарали ташкил қилишда мус-тақил фикр юритишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда ўзаро муносабатлар, алоқалар, ҳамкорликдаги ақлий ва жисмоний меҳнат маҳсули, муомала мароми мустақил фикрлаш мажмуаси та-риқасига юзага келади. Жамоада танқид, ўзини ўзи танқид, баҳолаш, ўзини ўзи баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, бошқариш, ўзини ўзи намоеён этиш, мулоҳаза, мушоҳададан иборат мустақил фикр юри-тиш сифатларни шаклландиради. Ижодий ишлар, каш-фиётлар, ихтиролар, ихтирочилик тақлифлари ҳам мустақил фикр юритишнинг маҳсулидир. Амалий ва назарий аҳамиятга молик илмий фараз-лар, ғоялар, улуғвор мақсадлар, юксак эзгу ниятлар эса унинг вазифасига киради. Ҳуқуқ фао-лиятини мустақил фикр юритишнинг ўзаро мустақил боғланган берк занжири вужудга келади: мустақил фикрлаш-муаммо-масала (топшириқ). Мустақил фикр юритиш жа-раёни куйидаги босқичлардан таркиб топиши мум-кин:

1. Мустақил фикр юритиш фаолиятида, аввало, ҳал қилиниши зарур бўлган масала (топшириқ) аниқ-лаб олиниши керак. Агар киши олдида масала кўн-дан-ланг турмаса, у бирон-бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди. Мабодо шахс ҳал қилиши шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўлароқ маълумотга эга бўлса, уни оқилона ечиш йўли ва воситаларини шунчалик енгиллик билан топади. Бу-нинг учун муаммони ечувчилар қўйилган масала маз-мунини аввало тушуниб олишлари, унинг шартини текшириб чиқишлари, нима маълум ва нималар но-маълум эканлигини аниқлашлари зарур. Фақат ана шундангина улар ҳеч иккиланмасдан (топшириқ) шар-тини ўйлаб топадилар, тўғри ечимга эришадилар.
2. Муаммо ёки масалани ҳал қилишда барча зарур билымларни (қоидалар, омиллар, қонуниятлар, хос-салар, хусусиятлар, муҳим белгилар, муносабатлар, боғланишлар ва бошқаларни) татбиқ этишга ин-тиладилар. Бунинг учун эса шахсий тажрибасига учраган ҳолатидан, усуллардан унумли фойдаланиб кўчириш жараёнини амалга оширадилар.
3. Масала ёки муаммога тааллуқли фараз (тах-мин) илгари сурилади, босқичлар таҳлил қилинади, муаммони ечиш тўғрисида мулоҳазалар билдирилади, турли вариантлар устида фикр юритилади, улар ўзаро қиёсланиб, энг самарали аломат белгилари аж-ратилади ва ҳоказо.
4. Муаммо тўғрисидаги гипотезани муайян ме-зонлар ёрдами билан текшириш зарурияти туғила-

Mutaxassis maslahati

ди. Уни текшириш учун ўзаро ўхшаш ҳолатлар маъ-носи, шакли, тузилишига кўра таққосланади. Бу ўринда ижодий режалар тузиш, умумлашма образлар яратиш, мақсад натижаларини кўз ўнгига келтириш, тахми-ний муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ақлий хатти-ҳаракатлар тизими татбиқ этиб кўри-лади ва айрим ўзгаришлар киритиш мўлжали ойдин-лаштирилади. Гипотеза мантиқий усуллар ёрдамида фикран анализ ва синтез қилинади, муҳим аломатла-ри ажратилади, унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги бўй-ча тезкор ҳукм ва хулосалар чиқарилади.

5. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки нотўғри экан-лиги аниқланса, у фикр юритиш объектдан чиқари-лади ва янги фаразлар топилади. Янги амалий гипо-теза фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия этилади. Мазкур мулоҳазаларнинг аксарияти конст-руктив техник масалаларни ҳал қилишда, кашфиёт-лар яратишда ихтирочилик тақлифларида, техноло-гик қурилмаларни жорий қилишда турли-туман мо-деллар, вариантлар, препаратлар, технологик карта-лар ва бошқалар фикран таҳлил этилади, сўнгра улар-дан энг маъқули танланади ва унинг устида бош қоти-рилади.

6. Муаммо ва масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун

да турли йўллар, усуллар, воситалар билан ечилиши мумкин бўлган масалалар (муаммолар, топшириқлар) берилди; бунда ечимнинг энг кулай, оддий, тежам-ли йўли иложи борича яширинган ҳолда ҳавола қили-нади; муаммолар фикрлашнинг бир усулидан иккин-чисига, бир ҳукмдан бошқасига, бир хулосадан унинг алоҳида кўринишларига, шаклларига ўтиш, ақлий қобилиятни шакллантиришга қаратилган бўлади;

г) мазмун, моҳияти ўзгариб турадиган муаммо-лар, масалалар, топшириқлар; уларга ҳам мустақ-камланган бир ақлий хатти-ҳаракатлардан бошқа-сига ўтишдан иборат ақлий қобилиятни таркиб топширишга йўналтирилади, яъни кўчиш жараёни-дан фойдаланишга ўргатилади;

д) исботлашга, кашф қилишга, янгилек очишга мўлжалланган муаммолар, масалалар, топшириқлар; улар ёрдами билан мантиқий фикрлаш, ички муно-сабатларни далиллаш, қонуниятларни англаш син-гари ақлий қобилият такомиллаштирилади;

е) мустақил фикрлашга, мантиқий мулоҳаза юри-тишга оид муаммолар, топшириқлар, масалалар; уларни ечиш (ҳал қилиш) учун ҳеч қандай махсус би-лимлар талаб қилинмайди, лекин бунда маълум да-ражада ижодкорлик кўрсатиб, ҳаёлотга мурожаат этиб, мантиқий мулоҳаза юршти олиш имконияти талаб қилинади; уларнинг баъзилари математик ху-сусиятли, бошқалари эса фақат мантиқий бошқо-тирма шаклида ҳавола этилади.

Мустақил фикр юритиш ўзининг самарадорлиги, долзарблиги, универсаллиги билан комиллик сари ўқувчиларни етаклайди, жамият ва табиат ҳоди-саларини англашда улар тафак-курида пухта замин ҳозирлайди. Фикр юритишнинг мустақилли-ги деганда, ўқувчининг ихтиёрий равишда ўз олдида аниқ мақсад, янги вазибалар кўя билиши, улар юзасидан амалий ва назарий фикр юритиши, натижани кўз олдида келтира олиши, қўйилган муаммони ҳеч кимнинг кўмаги-

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

сиз, ўз ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул, восита топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятини тушуниш керак. Фикр юритишнинг мустақиллиги ташаббускорликда, ақ-нинг пишиқлиги ва танқидийлигида намоеён бўлади. Ташаббускорлик деганда ўқувчининг ўз олдида янги муаммо, аниқ мақсад, яққол вазифа қўйишини, улар-ни амалга оширишда, ниҳоясига етказишда, ечимни қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи изла-шидан иборат босқичларнинг намоеён бўлишини на-зарда тутамиз. Ақнинг пишиқлиги вазибаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни тез излаб топишда, уларни саралашда ва бошқа ру-хий жараёнларда ифодаланади. Инсон оддий нарса-лар тўғрисида фикр юритганда ҳам уларнинг та-шқи белгилари билан чегараланиб қолмайди. Балки ҳодисалар моҳиятини очишга интилади, оддий тур-муш ҳақиқатидан умумий қонуният яратишга ҳара-кат қилади. Шубҳасиз, мустақил фикрлаш ҳали из-ланмаган, тўла фойдаланилмаган имкониятларга эга бўлиб, уларни тўла очиш, фан ва техника тараққи-ётини жадаллаштириш мақсадига хизмат қилади. Зеро, ҳар қандай кашфиёт, янгилек, тараққиёт — инсон ақл-заковатининг маҳсулидир. Шу боисдан ҳам фан ва техника ривожини кўп жиҳатдан унинг мус-тақил фикрлашига боғлиқдир. Комил инсон бўлиб шаклланиш йўлидаги ёш авлод айни пайтда аждо-ларимиз томонидан яратилган қадриятларни эгал-лаш учун ҳамда келажак ривожини таъминлаш мақ-садига мустақил фикр юритишга, ижодий изланишга пухта ўрганмоқлари жоиз.

Эргаш ҲОЗИЕВ

San'at

БИРДАМЛИК
ЙЎЛИДАГИ ҚАДАМ

Пойтахтдаги ҳинд маданият марказида икки расом — Наежда Цхе ва Нина Саловаларнинг санъат асарлари кургазмаси бўлиб ўтди. Кургазмани марказ директори Қамар Раис кириш сузи билан очиб, марказнинг миллатлар ҳамжиҳатлигини таъминлаш мақсадида олиб бораёт-ган ишлари хусусида гапирди. Тадбирда сузга чиққан Узбекис-тон Бадий академиясининг Ба-дий ижодкорлар уюшмаси масъ-ул котиби Шўхрат Рашидов икки ижодкорнинг бетакрор асарлари ҳақида шундай деди:

— Ҳар бир ижодкор алоҳида бир олам. Улар бир-бирини так-рорламайди. Бугунги ижодкор-ларнинг асарлари ҳам санъати-мизга қушилган янги дунёлар-дир.

Журналистлар ва ижодкорлар иштирок этган бу кургазма халқ-лар бирдамлиги йўлида қуйилган қадамлардан бири бўлди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
ЎзМУ талабаси



ШОИР БИЛАН
ЮЗМА-ЮЗ

Яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 274-мактабда адабиёт дарси ўзга-ча тарзда ўтди. Ўқувчилар ва мураббийлар дарсда шоир Азим Суюн билан учрашдилар. Шоир адабиёт ихлосмандла-рига ўзининг ёниқ кайфиятда-ги, миллатпарварлик туйғула-ри сингдирилган шеърлари-дан ўқиб берди. Табиат, ҳаёт, тириклик мавзуси ижодининг ўқ илдизи саналган шоир ўқув-чилар ҳузурда ўз болалиги, Ватан мустақиллиги ҳақида сўзлаб, фарзандларимизга ҳалоллик, бетиним меҳнат қилиш эвазига инсон ҳар қан-дай қийинчиликларни енгиб ўтиши мумкинлигини таъкид-лади.

Хуллас, адабиёт дарси жон-ли, мулоқотларга бой, эсда қоларли бўлди.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА

Тахририятдан:

Азиз "Маърифат" муштарийлари. Яна газета орқали сизларга мурожаат қилишга жазм этдик. Лекин бу гал бизнинг мақсадимиз кўпчилик томонидан қутилмаган бўлиши табиий. Бойси, одатдагидек сизга қачон, нима муҳимлиги ҳақида билганларимизни етказишни эмас, аксинча, сизнинг билганларингиз билан ўртоқлашишни ният қилганмиз. Яъни, баъзи мавзулар юзасидан газетхонлар фикр-мулоҳазалари, ҳаётий кузатувлари, муносабатлари ва қарашларини кўпчилик муҳокамасига қўйиш истагидамиз. Шу сабаб саҳифаларимизда "Mushtariy minbari" деб номланган янги рукн ташкил этдик. Ўйлаймизки, у чин маънода сизнинг минбарингиз бўлиб қолади. Мавзуларга келсак, келажак авлод таълим-тарбияси, унга дахлдор бўлган муҳит, макон, замон деган омирларни диққат марказида тутишни маъқул кўрдик. Тахририятимизга келаятган мактубларнинг салмоқли қисми ТАРБИЯ мавзусида эканлиги бойси, муҳокама учун дастлабки мавзунини ўғил бола тарбиясига бағишласак.

Бу борадаги фикрларимизни ўртага ташлаб, уларни обдон пишириб, қўйилган саволга муносиб жавоб топайлик. Мавзу юзасидан айтилажак фикрлар оталар, оналар, муаллимлар, оқсоқоллару ёшлар томонидан билдирилишини кутиб, жавоб муносиб бўлишига ишониб қоламиз.

Сарлавҳамизда келтирилган биргина жумла кейинги пайтларда қулоққа чалинган бўлса, ажабмас. Агар бу сўзлар аёлларга ва катта ёшдагиларга "тегишли эмас"лигини ҳисобга олсак, бугунга келиб ўғил бола тарбиясидаги миллатимизга хос бўлмаган бир жиҳатни илғаш мумкин ва буни шартли равишда "дарз" дейиш ўринли бўларди...

"Болалигимдаги воқеалардан бири ҳеч эсимдан чиқмайди. Қишлоғимиз чеккасида оқиб ўтадиган сой бўйида каттачон чинор бўлиб, у ўғил болалар учун жуда ҳам аҳамиятли эди. Ёз бўлди дегунча қишлоқ болалари ўша чинор остида тўпланишиб, сойда чўмилиб эдик. Соининг чинорсиз томонида ҳам турли ёшдаги болалар йиғилган бўлиб, улар нариги томондагилар сафига қўшилишни ўзлари учун бахт деб биларди. Чунки улар "ўғил болалар" эди. "Ўғил бола" бўлиш учун чинорнинг нариги қирғоққа эгилган шохиди юриб бу томонга ўтиш керак. Довую-

раклик, жисмоний чидам ва қайсидир маънода гурур талаб этиладиган бу вазифани уддалаганлар алоҳида хурматда бўларди. Хатто синфдош қизлар ҳам чинордан ўтган-ўтмаганлигинга қараб муомала қилишарди. Агар 7-синфда ўқийдиган, ҳали чинордан ўтмаган бола 5-синфдаги бирор боланинг «ўғил бола» бўлганини эшитиб қолса борми, шу кун бу ишни уддалаш учун ўзида албатта куч топарди. Хуллас, қатордан қолмаслик учун курашиш барчага бирдек ҳузурбахш туюларди. Армияга бормаслик у ёқда турсин, бормайман дейишнинг ўзи йигитлигинга путур етказишни аниқ эди".

Этибор берсангиз, оилада фарзанд дунёга келса, барча-

нинг вужудини шукроналик ҳисси қамраб олади. Севинчи ичига сиғмаган ота "суюнчи" улашишдан чарчамайди. Очиғини айтсак, агар фарзанд ўғил бўлса, оила аъзолари нимадандир таскин топгандек бўлади. Ўша таскин моҳияти нима экан?

Балки бу шажарангнинг давомийлиги кафолатланганидан дарак бўлгани учундир. Ёки шу оилага унинг шайини, обрў эътиборини ҳимоя қилувчи, оталару болалар ишининг давомчилиги ато этилганидандир. Мумкинки, қариган чоғингда белинган кувват бўлгучи, ўзиндан кейин чироғингни ёқиб ўтирадиган, ҳаққинга дуолар ўқийдиганинг ортингда қолишидандир, бу таскин. Нима бўлганда ҳам ўғилнинг "отанга раҳмат"га лойиқ бўлиб униб-ўсса, эл-юрт

хизматида бўлса — берди худо. Буларнинг бари тарбияга бевоқифа боғлиқ. Келинг, яна ўша жумлага қайтсак: "Армияга бормайман..." Ушбу жумла фикрларимизни жамлаб бориш учун танланди. Уч нуқта ўрнига турли сабабларни келтириш сизга ҳавола. Дарвоқе, яқин йилларда бундай дейишга ҳожат ҳам қолмас керак. Чунки ҳарбийга шартнома асосида, жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан соғлом, асосийси ўзидан шу соҳага мойиллик, хоҳиш-истак сезган йигитлар танлаб олинадиган бўлади. Лекин бизни бошқа нарса ўйлантиради. Ҳарбий хизмат Ватан мудофааси, халқ ҳимояси, тинчлиги осойишталик кафолати. Армияга борган йигит уйда қолган онаси, сингли-

Mushtariy minbari

си ва севган қизига ана шундай тенгсиз хотиржамлик ҳада этаётганидан гурурланади. Бу пайтда армияга бормайман деган бошқа бир йигит оналар, сингиллар, севиқли ёрлар қатори ҳимояда бўлишдан орийат қилмайди. Энди, бунинг баъзи сабабларини саволлар кўринишида келтириб ўтсак:

а) ўғилга ота-онанинг мунтазам равишда "сени армиядан олиб қоламан" деб таъкидлашимиз? Агар шундай бўлса, ота-онани бундай дейишга нима мажбур қилиши мумкин?

б) илгари "хизматда бўлмаган экан" деб қизини бермаган ота-оналар эндиликда "армияга бормабди, томири чуқур бўлса керак" дея совчиларни қуруқ қайтармаётганлигини?

в) йигитларга хизматдан қайтган акаларининг таассуротлари салбий таъсир этаётганлигини?

г) ҳарбий хизматга сарфлайдиган умрни ўқишга ижодий изланишларга бахш этишни афзал кўришимиз?

д) оилада, таълим муассасаларида ўғил болалар ҳарбий хизматнинг моҳиятини тўла тасавур этишига, уни бурч сифатида бажаришдан гурурланиш ҳисси уйғонишига етарли эътибор берилмаслигини?

е) болаларга ўсмирларнинг, ўсмирларга ёшларнинг, ёшларга катталарнинг бу борада ибрат бўла олмаётганими?

ё) бошқа сабаблар ҳам борми? Агар бўлса, шу билан ўғил бола тарбиясидаги биз камчилиқ деб атаган нарсани оқлаш мумкинми?

Ушбу мавзу бўйича муштарийларни минбарга чорлаб, мактубларни "Mushtariy minbari"га йўллашларини сўраб қоламиз.

Фахриддин
КАРИМОВ

«АРМИЯГА
БОРМАЙМАН...»

айрим йигитларимизнинг ушбу «қарор»га келишига нима сабаб бўлмоқда

Yangilik

Пойтахтимиздаги "Интернэшнл хаус Тошкент" лицейига "Liceum Life" ўқувчилар газетасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти қошида 1994 йилда ташкил этилган ушбу лицейда айни пайтда ўқувчиларга умумтаълим ва махсус фанлардан ташқари математика ва иқтисодиёт, конструктив мулоқот психологияси, нутқ маданияти ва актёрлик маҳорати, тарих, тиллар ва адабиёт назарияси, француз, араб, япон, немис тиллари, рассом В.Ахуновнинг ранг-тасвир синфи, халқ артисти Малика Аҳмедованинг миллий рақс синфи, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги матбуот котиби Беруний Алимов раҳбарлигидаги халқаро журналистика синфи каби қатор факультативлар, қизиқишлар бўйича клублар, махсус синфлар ишлаб турибди.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича вакили жаноб Фраймут Дуве томонидан тақдим этилган сертификатга мувофиқ жорий ўқув йилининг бошида лицей ўқувчилари иштиёрига мустақил газета ёки журнал чоп этиш учун махсус техника топширилган эди. "Liceum Life"нинг нишона сони ҳам инглиз тилида ўтган йили 17 сентябрда чоп этилган. Ўша пайтда ЕХХТ махсус сафарбар қилган германиялик журналистлар газета ва журналлар чоп этиш технологиясини

ўргатиш мақсадига ўқувчилар учун курслар ташкил этишиб, уларни ўқитишган. Мана, шунинг натижаси ўлароқ, лицей ўқувчиларининг изланишлари, ташаббуслари ва самарали меҳнати натижасида ушбу газетанинг 2000 йилдаги биринчи сони ҳам дунё юзини кўрди.

— Газетамизда лицей ҳаёти, маданият ва спорт, сиёсат, экология, чет эл мамлакатлари бўйлаб саёҳат каби руқналарга ўқувчилар билимини, дунёқарашини бой-шувчи ва кўнгилочар материаллар бериб бормоқдамиз, — дейди 11- "С" синф ўқувчиси, газета муҳаррири Наргиза Иброҳимова. — Кейинчалик газетамизни ранг-баранг этиб чиқариб, мамлакатимиздаги бошқа лицей, коллежларга тарқатишни мўлжалламоқдамиз.

"Интернэшнл хаус Тошкент" лицейи директори Элмира Иброҳимованинг таъкидлашича, газета учун материаллар йиғиш, улар устида ишлаш, матнларни компьютерга тегириш, қизиқарли расмлар, суратлар билан безаш, мусахҳиҳлигу муҳаррирлик вазифаларининг барчасини ўқувчиларнинг ўзлари уддалашган. Ўқитувчилар эса назоратчи сифатида уларни йўналтириб туришган, холос. Натижада ҳавас қилгудек ўқувчиларнинг янги наشري пайдо бўлди.

Қадамнинг қўлуғ бўлсин, "Liceum Life"!

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" муҳбири

ЛИЦЕЙ ГАЗЕТАСИ
ТАҚДИМОТИЛИЦЕЙ ВА
КОЛЛЕЖЛАР
УЧУН

Республика Вазирлар Маҳкамаси "Корея Республикаси Хукуматининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини жиҳозлаш учун берилаётган кредитдан фойдаланиш чоратадбирлари туғрисида" қарор қабул қилди. Жанубий Кореянинг Иқтисодий ривожланиш бўйича ҳамкорлик жамгармаси (EDCF) томонидан 35 млн. АҚШ доллари миқдорига берилган кредит йилига 2,5 фоиз билан 25 йил муддатда қайтарилоғи лозим. "Туркистон-пресс" муҳбири бу ҳужжатни шарҳлаб беришини сураб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги урта махсус таълими марказининг кадрларни танлаш, тайёрлаш ва халқаро муносабатлар бошқармаси бошлиғи Фарид Кучукбоевга мурожаат қилди.

— 35 миллион АҚШ доллари миқдорига олинажак кредит юзасидан қарз шартномаси тез кунда имзоланади. Эътиборга молик жойи шундаки, 150 та академик лицей ва касб-хунар коллежларини қуриш ҳамда жиҳозлаш учун сарфланадиган маблағ қарз миқдоридан деярли 3 баравар кўпдир. Кореядан олинадиган қарз, асосан, лицей ва коллежлар синфхоналарини жиҳозлаш, мамлакатимиз ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг Кореяда малака ошириб қайтишлари учун сарфланади. Кредит оғир ускуна ва техника эмас, балки физика, кимё оналари, компьютер синфлари, спорт заллари учун жиҳозлар, тренажёрлар ва курғазмали қуруллар келтиришни назарда тутди. Ускуналарнинг дастлабки туркуми — 2000-2001 ўқув йили бошлангунга қадар Тошкентга келтирилади.

— Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда яна бир неча лойиҳаларни амалга ошириш арафасидамиз, — деб таъкидлади бошқарма бошлиғи. — Хусусан, Осие тараққиёт банки билан 57 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз шартномаси имзоланди. Қарзнинг катта қисми, яъни 41,1 миллион доллари 45 та лицей ва коллежлар учун замонавий ўқув ускуналари олишга, қолган қисми эса ўқитувчиларнинг хорижда малака оширишларига, шунингдек, четдан таклиф этилган мутахассисларнинг харажатлари учун сарфланади. Бу борада Япония хукумати билан ҳамкорликда ишланган лойиҳага кура, қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаб берадиган 50 та коллеж замонавий ўқув-лаборатория дастгоҳлари, машина-трактор парки, курғазмали қуруллар билан таъминланади. Лойиҳанинг дастлабки босқичини рўёбга чиқариш учун Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC)дан 60 миллион доллар миқдорига қарз олиш кузда тутилган. Иқтисодий вазият, урта махсус таълим тизими тараққиётини аниқлаш учун ана шу банкнинг уч миссияси Марказимизда бўлди. Баҳоловчи комиссия хулосасига асосан банк Директорлар кенгаши кредит миқдорини белгилайди. Мамлакатимизда бўлган япон мутахассислари касб-хунар таълими тизимидаги ислохотларни юқори баҳоладилар.

"Туркистон-пресс"

Стивен жўраларининг юзига кўз ташлади, бироқ улар бари майдончанинг нариги тарафига қараб туришарди. Кимданди сўраб билгиси келди. Хожатхонада ёпишиш — нима дегани. Нега энди юқори синфнинг бешта боласи шу учун қочиб кетишди? “Хазил бу”, деб ўйлади у. Саймон Мунен доим башанг кийинади, бир сафар кеч пайт унга Саймон шарбатли конфет солинган шарни кўрсатди, шу идишни футбол командасидаги болалар ошхонанинг ўртасидаги пойандоз устидан унга қараб юмалатишган, у эса эшикда турган эди. Бу бэктайв командаси билан мусобақадан кейин, кечкурун бўлган эди, шар эса ярми яшил, ярми қизил — нақш олманинг ўзгинаси эди, фарқи шуки, уни очса бўларди, ичи шарбатли карамелга лиқ тўла эди. Бир сафар Бойл филнинг иккита “сўйлоқ тиши” бор дейиш ўрнига “тиси” деди, шунинг учун унга Тис Бойл деб лақаб қўйишди. Баъзи болалар унга Бойл хоним деб от қўйишди, нега деганда у доим тирноқларига зеб бериб, эговча билан уларни силлиқлаб юради.

Эйлиннинг ҳам узун, ингичка, совуқкина оппоқ қўллари бор, чунки у қиз бола-да. Қўллари худди фил суюғидай, фақат юмшоқ. Мана, Фил суюкли миноранинг маъноси, бироқ протестантлар буни тушунмас эди, тушунмаганлари учун ҳам масхаралаб қулишарди. Бир сафар у билан Эйлин иккаласи меҳмонхона ҳовлисига қараб туришган эди. Хизматкор устунга узун байроқни кўндираётган эди, кунгай бетдаги чимзорда эса бир тозича уёқ-бўёққа чопкиллаб юрарди. Эйлин қўлини унинг чўнтагига тикди, ўзининг қўли ҳам шу чўнтакда эди, шунда у қизнинг бармоқлари совуқ, нозик ва юмшоқ эканини ҳис қилди. Чўнтагинг бўлса мазза-да, деди Эйлин. Кейин бирдан бурилиб, кулганча, айланма йўлақдан пастга югуриб кетди. Унинг кумушранг сочлари елкасида, худди куёшда товланган олтиндай, ярқираб тўкилиб турарди. Фил суюкли минора. Тилла кўшк. Бир ниманинг устида бош қотирсанг, ўшанда уни тушуна бошлайсан.

Бироқ нега айнан хожатхонада? Хожатхонага фақат заруратдан борасан-ку. У ерда сандикдай-сандикдай тош плиталар бор, майда тешикчалардан кун бўйи сув томиб туради, димикқан сувнинг қўланса хиди ўтириб қолган. Бир эшикка қизил қалам билан икки қўлига иккита фишт кўтарган, рим тоғасидаги соқолли одам расми чизилган, расм тагида: “Балбес девор тиклаган”² деган ёзув бор. Буни болалардан бири кулги учун чизган. Башараси жуда кулгили чиққан-да, барибир соқолли одамга яхшаб кетади. Деворга эса жуда чиройли ҳуснихат билан ўнгдан чапга: “Юлий Сезар Галлик каллар ҳақида ёзган”³, деб ёзиб қўйилган.

Балки улар, болалар ҳазиллашиб ёзиб-чизиб ташлаган нарсаларни ўқиш учун бу ерга бекиниб олишгандир. Барибир уларнинг бу қилиги яхши эмас, Этти айтган гап хуноқ гап бўлди, қайси юз билан айтди-я шу гапни. Улар қочиб кетишди-ку, демек, бу шунчаки ҳазил эмас.

У майдончанинг болалар қараб турган тарафига қаради ва уни ваҳима босди.

Флеминг айтди:

— Энди улар учун ҳаммамизнинг таъзиримизни беришадими?

— Таътилдан кейин бу ерга қайтиб қадамимни босмайман, мана кўрасан, келиб бўпман, — деди Сесил Сандер. — Уч кунлаб ошхонада миқ этишмайдими, сал нарсага даров чизгил билан савалай кетишади.

— Тўғри, — деди Уэллс. — Баррет бўлса “Жарима дафтари”ни қўлидан қўймайди, бир варақлашга тушиб кетса борми, тамом, тўхтаб бўлсан — неча марта савалашини худо билади.

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида)

— Менам қайтиб келмайман.

— Тўғри, — деди Сесил Сандер, — бугун эрталаб инспектор иккинчи синфга келди.

— Келинлар, исён кўтарамиз, — деди Флеминг. — Нима дейсизлар?

Ҳеч ким чурқ этмади. Атроф жим-жит эди, крикет таёқларининг зарбалари энди олдингидан кўра жуда секин эшитиларди: пик, пок.

Уэллс сўради:

— Энди уларни нима қилишаркан?

— Саймон Мунен билан Тиснинг пайини қирқишади, — деди Этти, — юқори синфдагиларга бўлса биттасини танланглар: ё жазо ёки ҳайдаласизлар, дейишди.

— Улар қайсини танлади? — сўради биринчи бўлиб гап очган бола.

— Корригендан бошқа ҳаммаси ҳайдалишни маъқул кўрди, — деди Этти.

— Уни мистер Глиссон савалайди.

— Мен биламан нега Корриген буни танлаганини, — деди Сесил Сандер, — тўғри қилди-да, бошқа болалар адашди, чунки жазо олганинг одамларнинг эсидан чиқади-кетади, коллеждан ҳайдалсанг ёмон, бир умр иснодга қоласан. Қолаверса, Глиссон, ҳарқалай, ўласи қилиб урмайди-ку.

— Тўғри-ю, лекин иш шунгача бормагани маъқул-да, — деди Флеминг.

— Мен ҳечам Саймон Муненнинг ё

Тиснинг ўрнида бўлишни истамасдим, — деди Сесил Сандер. — Уларни жазоламан кераг-ов. Эҳтимол, фақат қўлларига ўхшатиб уришар.

эговча билан текислаб юрар. Бироқ унинг тирноқлари кўзга хуноқ кўринади — узун ва ўткир тирноқлар. Оппоқ лўппигина қўллари ҳечам кўрқинчли эмас, мулойиму, бироқ тирноқлари узун, ваҳимали. Гарчи Стивен кўрқинчли узун тирноқларни ва хипчиннинг шувиллаб урилган товушини, ечинаётганинда қўйлақ этагининг тагидан бошланиб терингни жунжиқтириб ўтадиган қалтироқни тасаввур этиб, совуқдан ва кўркувдан титраётган бўлса-да, оппоқ, лўппигина, кучли ва мулойим қўллари кўз олдида келтириб гала-ти ва хотиржам ҳузур туйғусини ҳис этди. Ва у Сесил Сандер айтган гапни ўйлади: мистер Глиссон Корригенни жонини оғритиб урмайди. Флеминг эса: тўғри, чунки унинг ўзи билади бундай қилмаса яхши бўлишини, деди. Нимага шундай — тушунарсиз.

Майдон тарафдан узоқдан қичқирган овоз эшитилди:

— Ҳамма ётоққа!

Унга бошқа овозлар жўр бўлди:

— Ётоққа, ҳамма ётоққа!

Ҳуснихат дарсида у қўллари кўвуштириб ўтирди, синфда пероларнинг секин қитирлаши эшитиларди.

Мистер Харфорд бориб-келиб юриб турибди, гоҳида қизил қалам билан майда тузатишлар қилади, ора-сира, перони қандай ушлашни кўрсатиш учун, болалардан бирортасининг ёнига ўтиради. Стивен доскадаги биринчи сатрни, гарчи у ерда нима ёзилгани билса-да, харфлаб ўқишга урин-

ди, бу дарслиқдаги энг охири гап эди:

“Тушунмай туриб қилинган ҳаракат рулсиз кемага ўхшайди”. Бироқ доскадаги харфларнинг чизикчалари қилдай ингичка бўлиб кўринади, у фақат ўнг кўзини жуда қаттиқ қисиб, чап кўзи билан узоқ синчиклаб тикилибгина бош харфларнинг думалоқ шаклини зўрға илғар эди.

Бироқ мистер Харфорд жуда меҳрибон, ҳеч қачон жажли чиқмайди. Бошқа ўқитувчилар қаттиқ дарғазаб бўлишарди. Нега энди катта синфдаги болаларнинг қилғилиғи учун улар жавоб беришлари керак? Улар ҳужрадаги шкафдан черков виносини олиб ичишган, буни ҳидидан билиб қолишган, деди Уэллс. Эҳтимол, улар муқаддас неъмат солинган идишни ўғирлаб, бир жойга олиб бориб сотишни ўйлашгандир? Бироқ барибир бу гуноҳи азим-ку — кечаси билдирмай кириш, қоронгида шкафни очиб, олтин товланиб турган идишни ўмариш; ахир, унинг ичиди винода, гуллар ва шамлар орасида тантанали тарзда ўтадиган маросим чоғи, хушбўй ладан ҳар икки тарафдан бурқсиб кўтарилган, руҳоний исирикдонни сермаб турган, Доминик Келли эса бир ўзи хорни етакчи овозда бошқараётган дамда, тангрининг ўзи зуҳур бўлади-ку. Улар идишни ўғирлашган пайтда тангри у ерда бўлмаган, албатта. Бироқ, барибир, идишга қўл текизишининг ўзи ақлга сиймайдиган иш, гуноҳи азим. Бу ҳақда у кўркувга қоришган ихлос туйғуси билан ўйлади: даҳшат, ақлга сиймайдиган иш; бу ҳақда пероларнинг энгилгина китирлашини эшитиб ўтириб ўйлаганда унинг юраги ортига тортиб кетди. Ахир, тап тортмай шкафни очиш ва черков виносини ичиш, кейин буни ҳидидан сезиб қолишлари... ким юрак ютиб бу ишни қилган бўлса — гуноҳга йўл кўйган, гарчи бу қадар даҳшатли ва ақлга сиймайдиган иш бўлса-да. Фақат виносининг хиди бир оз кўнгилни айни-тади-я. У биринчи марта черковда причастие⁴ маросимида винони татиган-

да кўзларини юмиб олди ва оғзини очди, тилини бир оз чиқарди, ректор унга муқаддас неъматни тоттириш учун эгилди, шунда у ректорнинг нафасидан виносининг энгил хидини сезди. Вино — чиройли сўз. Кўз олдингга тўққизил ранг келади, чунки узун бошоқлади тўқ қизил — Юнонистонда, оппоқ ибодатхоналарга ўхшаган уйлар олдида ўсадиган тоқларда бўлади узун бошоқлари. Бироқ барибир ректорнинг нафасидан ўқиб турган виносининг энгил хиди ўша кун — маросимда у биринчи марта қатнашиб, илк бор муқаддас неъматни татишга мушарраф бўлган кун кўнглини бир оз айнитди. Бу кун — ҳаётдаги энг бахтли кун. Бир сафар кўпчилик генераллар Наполеондан ҳаётингиздаги энг бахтли кун қайси, деб сўрашган. Улар Наполеон бирор-бир йирик жангда галаба қозонган ёки император бўлган кунни айтса керак, деб ўйлашган. Бироқ у шундай деган:

— Жаноблар, менинг ҳаётимдаги энг бахтли кун — бу менинг биринчи муқаддас причастие куним.

Синфга ҳазрат Арнолл кириб келди, лотин тили дарси бошланди, у эса ҳали ҳам қўлини қовуштириб ўтирибди. Ҳазрат Арнолл машқ ёзилган дафтариини тарқатди ва синф иши жуда ёмон бажарилганини, ҳозир ҳамма машқни тузатишга ҳаттолари билан қайта кўчиришини ўқирди. Дафтариини орасида энг ёмони Флемингники эди, чунки варақларига сиёҳ доғлари чапланиб кетганди. Ҳазрат Арнолл дафтариини бир четидан ушлаб кўтариб кўрсатди ва бундай дафтариини ўқитувчига бериш — бориб турган хурматсизлик, деди. Кейин у Жек Хотенни доскага чақириб, page⁵ отини турлашни буюрди, бироқ Жек Хотен ўринпайт келишининг кўпликда қандай турланишини билмай, тўхтаб қолди.

— Уял, — деди ҳазрат Арнолл қатъий оҳангда. — Сен, ахир, аълочи ўқувчиси-сан-ку!

Кейин у бошқа бир болани чақирди, кейин яна бошқаларни биринкетин чақирди. Ҳеч ким билмади. Ҳазрат Арноллнинг юзи жуда хотиржам тус олди, доскага чақирилаётган болалар ҳаракат қилишгани, бироқ жавоб бера олмагани сайин унинг хотиржамлиги ортиб борди. Фақат унинг қовоқлари бир оз осилди, кўз қараши жиддийлашди, овози эса хотиржам эди. Ниҳоят у Флемингни чақирди ва Флеминг бу сўзининг кўплик сони йўқ деди. Ҳазрат Арнолл бирдан китобни ёпди-да, бақириб берди:

— Ҳозироқ синфнинг ўртасига ўтиб, тиз чўк. Бунақанги дангасани ҳали кўрган эмасман. Сизлар бўлса, машқни қайтадан кўчиришлар!

Флеминг ўрнидан секин туриб, ўртага ўтди ва охириги икки партианинг ораллигига тиз чўкиб ўтирди. Қолган болалар дафтариини устига эгилиб, ёза бошлашди. Синфга жимжитлик чўқди, Стивен ҳазрат Арноллнинг хўмрайган юзига чўчиброқ қаради ва унинг юзи жаҳлдан қизариб кетганини кўрди.

(Давоми бор)

Изоҳлар:

1. Тога — қадимги римликлар устки кийим ўрнига елкага ташлаб, ўраниб юрадиган ярим доира шаклидаги ёпингич.

2. Бу сўз ўйини Юлий Цезарнинг дўстларидан бири, Галллардан чиққан Луций Корнелий Балбуснинг бузиб айтилган номи билан боғлиқ.

3. Цезарнинг “Commentarii de bello Gallico” — “Галл уруши ҳақида мактублар” асарининг номи билан боғлиқ сўз ўйини.

4. Причастие — христиан диний маросимларидан бири; бу маросим чоғи нон ва вино истеъмол этилади.

5. Денгиз (лотинча).

Асримизнинг буюк ихтироси Рудолф Дизелнинг ҳаёти жумбоқларга тўла бўлган. Унинг ўлими ҳам сирли бўлган.

У Парижда тугилган, ота-онаси олмон эди. Дизел очиқ-кўнгил, олмон шовинизмидан йироқ киши эди. Биринчи жаҳон урушининг шарпаси яққол сезилиб турган бир пайтда айнан мана шу хислати унинг бошига етган бўлса, ажаб эмас.

1913 йилнинг 29 сентябрида ичдан ёнар двигател ихтироси Рудолф Дизел Бельгиянинг Антверпен шаҳридаги портида Англияга жўнаётган “Дрезден” пароходига ўтиради. Дизел ўз ходими Лукманн ва ўзига тегишли фирма билан яқин алоқада бўлган Бельгия компанияси директори Карелс ҳамроҳлигида йўлга тушганди. Кема Британия адмираллиги вакиллари билан учрашув мўлжалланган Англиянинг Гарвич портига йўл олади. Гап шундаки, инглизлар Дизелнинг ихтиросидан ҳарбий флотда фойдаланиш мақсадида унга жуда қизиқиб қолган эдилар.

Олмониянинг ҳарбий қудрати тобора ошиб бораётган бир пайтда инглизлар денгизда Британия ҳукмронлигини сақлаб қолишга жон-жаҳдлари билан интиладилар ва Англия флотининг бир неча кемаларига Дизел двигателларини ўрнатишга аҳд қиладилар. Шу билан бирга, ҳарбий кемаларни оғир, кўп жойни банд этадиган ва ҳарбий кемалар маневрини қийинлаштирадиган кўмирдан халос қилиш режалаштирилган эди. Британия флотини модернизацциялашнинг бош ташаббус-

кори бўлиш адмирал Фишер Дизелнинг ихтироси жанговар кемалар ҳарбий ҳаракатининг акваториясини кенгайтириш имконини беражagini, бундан ташқари, кемаларни “сотиб” қўядиган тутунлардан халос этишини айни вақтида тушуниб етганди.

Дизел аср битимини тузиши мумкин эди. Лекин унга Британия қирғоқларини кўриш насиб этмаган экан. Гап шундаки, “Дрезден” белгиланган портга етиб борганда, Дизел кемада... йўқ эди. Аҳамиятли жойи шундаки, йўлдошларидан фарқли ўлароқ, олмон инженери ва их-



соат 10да тарқалдилар. Эртаси кунни тонготарда каюталарга чой тарқатиб юрган стюард 18 - каюта бўш эканлигини пайқаб қолади. У хонага кирганда тўшакка ҳеч ким ётмаганини

ДИЗЕЛНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

тирочисининг фамилияси ҳатто йўловчилар рўйхатида ҳам йўқ бўлиб чиқди. Бошланган тергов ишлари аниқ далиллар йўқлигидан тўхтатилди. Хулоса эса қўйидагича бўлди: бахтсизлик рўй берди — Дизел денгизга йиқилиб тушган.

Фақатгина шу маълумки, гойиб бўлишдан олдин у Лукманн ва Карелс даврасида кечки овқат дастурхонида ўтирган. Қайфияти аъло ва у қизининг барон фон Шмидт Франкфурт-лига турмушга чиқмоқчилигини мамнуният билан сўзлаган эди. Шу сабабли Дизел никоҳ маросимида қатнашиш учун вақтида, кечикмай Германияга қайтиш истагини билдирганди. Яна, ҳазил ҳам қилиб, қизи ўзининг сепи деб отасининг бор буд-шудини совурганини айтганди.

Ҳамроҳлар Англияга етиб боришдан олдин нонушта устида тўпланишга келишиб олиб, кеч

сезади. Дизелнинг ички қўйлаги ҳафсала билан таҳланган, ювениш учун зарур нарсалари эса, юз-қўл ювиш ускунаси тоқчасига тартиб билан қўйилган эди. Тўшакнинг бош тарафидаги тўрт оёқли очиқ жавонда катта олтин соат турарди, инглиз ва олмон пуллари солинган портфел ёстиқ тагига бекитилганди. Лекин эгасидан ном-нишон йўқ...

Балким, Дизел ҳақиқатан ҳам қандайдир йўсинда кемадан сувга тушиб кетгандир? Лекин бунда инженер Хаусснер воқеаси қайтарилишини хоҳламаган олмон махсус хизматининг қўли бор бўлиши ҳам мумкин. (Хаусснер олдин французлар билан ўзининг ихтироси — гилдиракли замбарак сирларини уларга етказиш борасида келишиб олиб, сўнгра Лотин Америкасига кетиб қолганди.) Дизелнинг инглизлар билан музокарасидан энергия бозорига кучли рақиб-

нинг пайдо бўлишини сезган кўмир конларининг ҳужайинлари ҳам хавфсирардилар. Хуллас, кўриниб турибдики, Дизел ҳаммага ҳам ёқавермаган.

“Дрезден” Гарвичга келиши билан яхшилаб тинтувдан ўтказилди. Экипаж, ҳар бир йўловчи инглиз полицияси томонидан сўроққа тутилди. Лекин ҳеч ким ўша мудҳиш кечада на палубадаги шовқинни эшитган ва на Дизел каютасидаги олишув товушларини.

Бу воқеадан икки ҳафта ўтгач, Шелда дарёсининг денгизга қуйиладиган жойида белгиялик балиқчилар тўрига одам мурдасининг қолган-қутгани илинади. Мурда Антверпен ўликхонасига олиб борилади. У ерда паталогоанатом врач унинг энсасидаги кесилган жароҳатга кўзи тушади. Аниқланишича, бу яра мурда чўкмасдан олдин мавжуд бўлган экан. Мурдани Дизелнинг ўғли танийди. Унинг чўнтақларидан Рудолфга тегишли айрим буюмлар топилади. Лекин, барибир, мурда олмон инженериники эканлиги батамом аниқланмайди. Тўғри, 1957 йили Дизелнинг қизи китобида отаси ўз жонига қасд қилган бўлиши мумкинлигини ва бунинг сабаби — отасининг молиявий аҳволи ўлими олдида ёмонлашгани, ҳамма иш унинг ўз банкротлигини тан олишига келиб қолганини айтади.

Бироқ, нима бўлганда ҳам, Дизел Англияга бораётиб ўз жонига қасд этиши амримаҳолдир. Чунки буюк кашфиётчини у ерда жуда манфаатли битим кутаётган эди...

ГИРНИНГ ЭНГ АСОСИЙ РОЛИ

Машҳур Америка актриси Ричард Гир ҳаётида ҳамма нарса: бошни айлантирадиган шон-шўрат ҳам, жуда катта гонорарлар ҳам, буддизмга қизиқиш ҳам, топ-модел Синди Кроуфоргга муваффақиятсиз уйланиш ва бошқа сон-саноксиз ишқий саргузаштлар ҳам бўлган. Лекин 50 ёшларга етганда экран “юлгузи”га инсон ҳаётидаги энг улкан қувонч насиб этди: у ота бўлди. Тўнғич фарзандга гоят маҳобатли исм танладилар — Ҳомер Жеймс Жигма Гир, деб номладилар.

Гўдакнинг онаси актриса Кэри Лоулдир. Бу санъаткор томошабинларга “Қотиллик учун лицензия” фильмидаги Жеймс Бонгнинг дўсти роли орқали танилган. Унинг биринчи никоҳидан 9 ёшли Ҳанна деган қизи бор. Мана, энди ўғилли ҳам бўлди.

Афтудан, беқарор Гир ниҳоят қуйилиб қолганга ўхшайди. Беш йилдан бери улар Кэри билан бирга Нью-Йорк четидида ораста Уэстчестер қасабасида яшайдилар. Бундан буён Гирга ҳаётда энг қийин ва энг гўзал рол — ота ролини ўйнашга тўғри келади.

Словакия матбуотида босилган “Эҳтиёткорона некбинлик учун баҳона” сарлавҳали мақолада таъкидланишича, Эрондаги сайловда ислохотчиларнинг ғалаба қозонишларини, умуман олганда, олдиндан башорат қилиш мумкин эди. Чунки аксарият эронликлар ислохотлар жараёнининг тезлаштирилишини жуда-жуда хоҳлайдилар. Шу билан бирга, бу муваффақиятни ислом инкилоби принципларидан бутунлай чекиниш деб ҳисоблаш ҳам хато бўлур эди.

Ҳотамийнинг асосий шиори — “Эрон ислом системаси доирасида ислохотлар ўтказиш”дир. Шу билан бирга, сўнги пайтлари юз берган ҳодисалар, шак-шубҳасиз, ижобий ўзгаришлар томон силжишдан нишонадир. Бу — Эроннинг ўз атрофидаги дунё, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан муносабатлари яхшиланишига умид уйғотади.

Кобул шаҳри аэропортида қаттиқ портлаш натижасида “Толибон” ҳаракатига қарашли жанговар Су-22 самолёти яқсон қилинди.

Францияда баск экстремистик гуруҳи ЭТАнинг икки кўзга кўринган вакили 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилди.

“Элайн” циклон Мозамбик соҳилларига кудратли момақалдироқли-чақмоқли жалалари ва кучли шамоллари билан етиб борди. Оқибатда Лимпопо водийсида 200 мингдан зиёд одам уй-жойидан ажралди, камида 150 киши ҳалок бўлди.

Куфрона асар ёзгани учун Оятулло Хумойний томонидан ўлимга ҳукм қилинган ёзувчи Салмон Рушдий Буюк Британиядан Нью-Йорк шаҳрига кўчиб бориш ниятида.

АҚШ давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлботт Токиода унинг мамлакати Япония билан Россия ўртасидаги ҳудудлар борасидаги муносабатларни ҳал этишда Токиони қониқтирадиган қарорни қўллаб-қувватлаяжagini билдирди.

Австрия пойтахти Венада ўнгконсерватив ҳукуматга қарши оммавий норозилик намойиши бўлди. Намойиш ташкилотчилари энг камида 250-300 минг одам тўплашга муваффақ бўлди, демокдалар. Полиция эса, шунинг ярмича одам намойишга чиқди, деб ҳисоблайди.

АҚШ махфий хизмати Европа Иттифоқи мамлакатларида фаол ҳаракат қилмоқда. Улар электрон почта орқали узатилаётган ахборотларни системали равишда тутиб олишмоқда. Мюнхенда чиқадиған “Фокус” ҳафталиги шу ҳақда ёзади.

АҚШ Жоржия штатининг жанубидаги кучли торнадолар ёпирилган тўрт округ расмий равишда мусибат ҳудуди, деб эълон қилинди. Дастлабки хабарларга кўра, 22 киши ҳалок бўлган. Кўрилган моддий зарар эса, 25 миллион доллар ҳисобланмоқда.

Покистондаги йирик сиёсий-ижтимоий ташкилот “Жамоати исломий” “Чеченистоннинг истиклоли учун кураш жамғармаси”га 10 миллион рупий (тахминан 185 минг доллар) ажратди. Бу пулнинг паттаси ҳозирги пайтда Покистонда турган Зелимхон Яндарбиевга топширилди.

Яқиндан бери Американинг Покистондаги ваколатхоналарига келган ҳар бир одамга совға тариқасида яшил рангдаги ёрликли гугурт кутиси таклиф этила бошлади. Унда Усама бен Ладеннинг кулиб турган сурати ва машҳур террорчини қамоққа олишга имкон берадиган хабар етказгани учун мукофотида 5 миллион доллар ваъда қилингани ҳақида урду тилидаги ёзув бор.

Грециянинг биринчи министр ўринбосари Христос Рокофиллос Евроиттифоқни Югославияга нефть етказиб беришни таъқиқловчи эмбарго бекор қилиш ёки юмшатишга чақирди.

ЕР ЮЗИДА

ЮЗИНГИЗНИ САБЗИЛИ НИҚОБ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИНГ

Гўзаллик ҳақида сўз кетганда киши кўз ўнгига энг аввало оппоқ, турли қусурлардан холи бўлган юз келади.

Юз терисини парваришда асосан уч нарсага катта аҳамият бериш керак. Биринчиси: юзни ҳар хил кирлардан, ҳуснбузар ва турли тошмалардан тозалаш.

Иккинчиси терини озиқлантириш, учинчиси ҳимоя қилиш.

Юзни асосан сув, совун ва яна турли лосьонлар билан тозаласак, уни озиқлантириш учун табиий ва кимёвий ёғ ва ниқоблардан фойдаланамиз. Шамол, қуёш нури, совуқдан ҳимоя қилиш учун ҳам кремлар асосий воситалар бўлади.

Юзни оқартиришда қадимдан уни сут билан ювиш анъанаси мавжуд.

Озиқлантирувчи ниқоб учун мевалар, сабзавот ва сут маҳсулотларидан фойдаланиш мумкин.

Pardoz

қоб учун мевалар, сулотларидан фойдаланиш мумкин.

Сабзили ниқоб оддий усулда тайёрланади.

Майда тишли қирғичдан чиқарилган серсув сабзига битта тухум саривини қўшиб аралаштирилади. Сўнгра 2-3 томчи лимон суви ва ўсимлик ёғи қўшилади. Бу массага сметана қўшса ҳам бўлади. Ниқобни юзга суриб, 15-20 дақиқадан сўнг иссиқ сувда ювиб ташлайсиз.

Яна бир сабзили ниқоб тайёрлаш усули қуйидагича: 2 дона янги сабзини қирғичдан чиқариб 2 ош қошиқ картошка уни ва 1 дона тухум саривини қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Бу ниқоб терини озиқлантириш билан бирга уни тозалайди ҳам. Ниқоб юзга 15-20 дақиқа ушлаб турилади.

Сиз эринчоқлик қилмасдан, доимо ўзингизга эътибор бериб юрсангиз гўзалашиб, сеvimли бўлиб бораверасиз.



Erinmasangiz

ГўЗАЛ ТИШЛАР СОҒЛОМЛИК БЕЛГИСИ

Садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб кулиб турган аёл кимларнинг эътиборини тортмайди дейсиз? Чиройли, оппоқ тишлар гўзаллик белгиси деб айтишади. Худди шундай тишларга эга булган кишилар узларини соғломман, деб аташлари ҳам мумкин.

Тишингиз соғлом, бақувват булишини истасангиз, овқатдан сунг, албатта, уни ювишга одатланинг.

Турли хил тиш ювиш воситаларидан фойдаланиш натижа-сида ҳам милк ва тиш касаллик-лари келиб чиқиши ҳеч кимга сир эмас. Бу касалликларнинг олдини олиш учун уй шароити-да узингиз учун тиш ювиш по-ролиги тайёрлаб олишингиз мумкин. Бунинг учун бир ош қошиқ истеъмол содасига бир чой қошиқ туз солиб яхшилаб аралаштирасиз ва бу аралашма-ни тиш пастаси урнида ишлата-сиз. Шунда тишингиз ва мил-кингиз мустақамланади.

Истеъмол содасини тиш по-рошоги сифатида қўласангиз, тишингиздаги баъзи сариқ дог-лар йўқолади. Фақат бу муола-жани мунтазам қўлаш керак.

ОИЛА

Жамоатчилик фикрини урга-нишда қилинадиган социологик суровлар ва изланишларда, ода-да эркак киши автоматик ра-вишда оила бошлиги бўлиб қолади, яъни оилани таъмин-лаш ва маълум бир қарор қабул қилишда асосий шахс деб ҳисоб-ланади. Бу тушунча аёл эркакга нисбатан таъминланганроқ бўлиши ёки эркак ишсиз, аёл эса иш билан таъминланган бўлишига қарамай сақланиб ке-ляпти. Социологик изланиш-ларда "оила бошлиги" деган ту-шунча қабул қилиниб, ҳаётда аёлларнинг урни ё курсатилмай-ди ё кам эътибор берилди.

Бу каби тушунчалар аёллар-га кредит, заём ва бошқа номод-дий захиралардан фойдаланиш-да қийинчиликлар туғдиради. Ҳозирги даврда "Оила бо-шлиги" каби тушунча йўқотилиб, урнига бошқа ибора қабул қили-ниши, ҳуқуқий ҳужжатларда ва изланишларда аёлларнинг оила-да булган урни ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш керак.

Уйимизда рўзғорга ке-ракли бўлган ҳамма бозор-ликларни дадам ёки акам қилади. Улар бозорга кета-ётган пайтда эса, албатта аям ҳамроҳ бўладилар.

Биз: "Ая, ўзингизни уринтириб нима қиласиз, ҳамма нарсани дадам олиб келадилар-ку" десак, "Э, эркак киши бозор қилиш-ни биладими, керакли-ке-раксиз нарсаларни кўтариб келаверади. Баъзи маҳсу-лотларни ҳаддан ташқари кўп, баъзиларини кам олиб кўяди. Ўзим ҳам бирга бор-сам яхши-да", дердилар.

Аям эркак киши эътибор бермайдиган баъзи маҳсу-лотлар — зира, мурч, овқат қизартириш учун қоқи, ис-теъмол содаси каби майда-чуйда нарсаларни ҳам олиб келардилар.

Аёл киши саришта уй бе-

каси бўлиши учун арзимайди-гандек кўринган, лекин рўзғорга доимо керак бўлади-ган масалликларни олиб кўйини керак.

У ишлатадиган ошхона ас-бобларни озода, сарамжон-са-ришта турса, овқат тайёрла-

тиб, кеч қайтасиз. Баъзида манти, сомса, чучвара каби кўп вақт оладиган таомларни тайёрлашга вақт тополмай-сиз. Бу таомларни пишириш учун вақтингиз бўлганда, ярим тайёр ҳолига келтириб қўйинг.

ШОШМАСАНГИЗ, ҲАММАСИГА УЛГУРАСИЗ

ётган вақтида чўмич ахта-риш, қапгир ювиш каби юмушларга уриниб, қозонда-ги пиёзни кўйдириб юбормай-ди. Ёки пала-партиш терилган идиш-товоқлар орасидан това, коса қидириб ҳаммаёқ-ни остин-устун қилмайди.

Азиз аёллар, сиз албатта ишли одамсиз. Ишга эрта ке-

Сиз кечки овқатга чучвара тайёрламоқчисиз. Лекин вақ-тингиз йўқ. Бунинг учун вақт топганингизда чучварани ту-гиб, целофан халтачага ўраб, музлатгичга қўйиб қўйинг. Тайёр чучвара музлатгичда бир ҳафта туриши мумкин.

Бозордан олиб келинган гу-руч, мош, ловия, нўхатни бўш

Oshxona

бўлганингизда тозалаб қўйсангиз, керак пайтда олиб, ювиб ишлатаверасиз. Ёки гўштни гўшт қиймала-гичдан чиқариб қўйсангиз, хоҳлаган вақтингизда, ай-ниқса ишдан чарчаб келга-нингизда, қиймали таом тайёрламоқчи бўлганингиз-да, кимдир сизга ёрдам бер-гандек, ишингиз осонлаша-ди.

Баъзи аёллар "Ишга кечи-кайпман, келиб ювиб кўяр-ман", деб ўйлаб, коса-товоқ-ларни ювмасдан уйдан чи-қадилар. Агар озгина вақ-тингизни қизганмай, ошхо-нангизни саранжомлаб кет-сангиз, эртақлардаги сан-диқ ичидан чиқадиган қиз, ишдан келишингизга ошхо-нангизни тозалаб қўйган-дек бўлади.

КҮЙ (21 март - 21 апрель)

Ушбу ҳафтанинг бошида молиявий ахволингизни яхшилаб олишга муваффақ бўласиз. Жума куни олис-дан хушxabар кутилмоқда. Шанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Якшанба — қувончли дам-ларга бой кун.

СИГИР (21 апрель - 21 май)

Мазкур ҳафтадаги энг омадли кун чоршанбадир. Шу кун барча режалаштирган ишларингиз амалга ошади. Пайшанба куни керакли жиҳозни харид қила-сиз. Эски кадрдонингиз жума куни ўзидан хабар бе-ради. Дам олиш кунларингизни уй юмушларига ба-ғишлашингизга тўғри келади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь)

Дастлабки кунлар соғлигингизнинг ёмонлашиб қолиши белгиларини ишларга ўз таъсирини кўрсата-ди. Чоршанба куни ўзингизни кўрсатиш имконияти

мустақамлаш учун қулайдир.

ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь)

Мазкур ҳафта тигиз ўтади. Мураккаб ишни ниҳояси-га етказасиз ва молияви й масалани муваффақиятли ҳал этасиз. Жума куни расмий идоралар ва девонхона-ларга сафар қилиш зарурияти юзага келади.

ЧАЕН (24 октябрь - 22 ноябрь)

Бу ҳафтада бошқа бурч вакиллари сизга хавас қила-ди. Бу етти кун энг муваффақиятли даврдир. Бундан ташқари пайшанба жума кунлари ишқий саргузашт-нинг гувоҳи бўлишингиз эҳтимолдан холи эмас.

ЕЙ (23 ноябрь - 21 декабрь)

Мазкур ҳафта осойишта ўтади. Сиз бошлаган янги иш хар томонлама ўзини оқлайди. Чоршанба куни са-ломатлигингизни яхшилашга вақт ажратишни масла-ҳат берамиз. Дам олиш кунлари ажойиб инсонлар бил-лан учрашув кутилмоқда.

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJIMLAR BASHORATI

бор. Шанба куни ишқий саргузаштдан кўнглингиз тог-дек кўтарилди.

КИСКИЧБАКА (22 июнь - 23 июль)

Ушбу ҳафтада севган кишингизга вақт ажрати-шингизга тўғри келади. Кутилаётган келишимовчилик-нинг олдини олиш ўз кўнглингизда эканлигини унут-манг. Жума-шанба кунлари ижодий фаолликка эри-шасиз. Хонадон аъзолари ва ҳамкасбларингиз иқти-дорингизга муносиб баҳо беришади.

АРСЛОН (24 июль - 23 август)

Табиатингизга хос бўлган тантилиқ душанба ва пайшанба кунлари ҳаётингизга салбий таъсир кўрса-тади. Чоршанба куни эътиборли танишингиз берган маслаҳат ишингиз юзасидан пайдо бўлган муаммо-нинг ҳал этилишига олиб келади. Ҳафтанинг охириги кунлари асабий ва хорғин ўтади.

БОШОҚ (24 август - 23 сентябрь)

Ҳафтанинг бошида молиявий юмушларни муваф-фақиятли уддалайсиз. Пайшанбадан шанбагача бўлган вақт ичида жуда катта миқдорда маблағ сар-фламангиз маъқул. Дам олиш кунлари юзага келган вазиятни таҳлил этиш ва дўстона муносабатларни

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь)

Ҳафтанинг бошида керакли ҳужжатларни расмий-лаштириш мақсадида таклиф этилган ишдан воз кечи-шингизга тўғри келади. Жума куни шерикларингизга ўз ҳақлигингизни исботлаш учун кўп куч сарфлайсиз. Якшанба куни қариндошларингиздан кутилмаган совға оласиз.

ҚОВҒА (21 январь - 19 февраль)

Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммони ички туй-ғунгизга таянган ҳолда ҳал этганингиз маъқул. Чоршан-ба ва жума кунлари дўстларингиз берган маслаҳат ах-волингизни ёмонлаштириши мумкин. Пул ишлаб олиш имконияти шанба куни юзага келади. Сизга катта ман-фаат келтирувчи таклифдан воз кечмасликни масла-ҳат берамиз.

БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)

Ҳафтанинг бошида бегона кишиларга тааллуқли му-аммоларни ҳал этасиз. Пайшанбадан шанбагача бўлган вақт ичида премьералар ва тақдимотларда иштирок этасиз. Якшанба куни ҳар қандай сафардан воз кечинг. Бинобарин жароҳат олишингиз эҳтимолдан холи эмас.

“ҚУШ СУТИ” ТОРТИ

Азиз муштарийлар, “Qandolat” рукнимизда кўпгина пиши-риқларни пишириш сирларини ўрганиб боряпсиз.

Бугун “Қуш сути” тортини тайёрлаш усулини билиб ола-сиз. Бу торт оилавий байрамларда, туғилган кунда пишири-лади.

Торт учун 6 та тухум, 4 стакан шакар, 150 грамм сариеғ, 2—3 чой қошиқ лимон кислотаси, 2 ош қошиқ какао, 3—4 стакан ун керак бўлади.

100 гр юмшатишган сариеғга 6 та тухумнинг сариғи, 3 чой қошиқ истеъмол содаси, озгина сирка ва 3—4 стакан ун қўшиб, ҳосил бўлган ара-лашмани ёғланган газ патнисига ёйиб, 15 дақиқа давомида пиширамиз. Сўнг Қандолат 15 дақиқа давомида иссиқлигида олиб, ўткир пичоқ ёрдами-да узунасига ва энига қараб кесилади.

Бир дона желатинни ярим стакан совуқ сувга солиб қўямиз. Бир соатча ўтгач, бўкиб турган желатин суви билан оловга қўйилади, қайнағач совутиш учун яна олиб қўйилади.

6 та тухумнинг оқи яхшилаб кўпиртирилиб, 2 стакан ша-кар солиб қовланади, 2—3 чой қошиқ лимон кислотаси ва совуган желатинни ҳам қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнг 5 дақиқа музхонага қўйилади. Бу ярим тайёр кулчалар ора-сига сурилади, юзига эса қиём сурамиз.

Қиём қуйидаги усулда тайёрланади: 2 ош қошиқ какао ярим пиёла сувга солиниб, 2 стакан шакар ва 50 грамм сариеғ эритиб қўшилади ва қайнаш даражасига етказилади. Тайёр бўлган қиём билан торт юзини безаймиз ва тортни ярим соат музлатгичга қўйиб қўямиз.

**АРТУР 11 КАРРА
ЧЕМПИОН**

Берлиндаги “Экстрель” меҳмонхонаси спорт мажмуида ҳамюртимиз Артур Григорян яна бир бор жаҳон чемпионлиги камарини ҳимоя қилди. Италиялик боксчи Сандро Казамоника устидан қозонилган соф ғалаба туфайли Артур XI карра жаҳон чемпиони бўлиб, ҳали ҳам “Бокс қироли” эканлигини исботлади.

**ЛЕПЧЕНКО КЕЙИНГИ
БОСКИЧДА**

У 13 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган турнирларда муносиб иштирок этмоқда. Жанубий Осиё биринчилиги уюштирилган Покистоннинг Исломобод шаҳрида ҳамюртимиз Варвара биринчи ўринни эгаллади ва Осиё биринчилигига йўлланишни нақд қилиб қўйди.

**“СОЛИҚЧИ”
КУТИЛМАГАНДИ**

“Пахтакор — 79” хотира турнирининг Тошкент минтақасида саралар аниқланди. “Пахтакор”, “Семург”, “Кимёгар” жамоалари қаторидан иккинчи лига вакили “Солиқчи” ҳам жой олди. “Насаф”, “Дўстлик”, “Хоразм”ни доғда қолдирган бу клуб одатдагидек “кутилмаган” бўлиши табиий.

**ХАБАР БЕРГАН
ЭДИК**

Футболчиларимиз Ливан — 2000 Осиё Кубоги мусобақалари олдидан Мўғулистон терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиш ниятида эди. Меҳмонлар 29 февраль куни терма жамоамизга қарши тўп суради ва кейинроқ “Семург”, “Кимёгар” клублари билан ҳам куч си-нашиш истагида.

Республикада биринчи бўлиб пойтахтимизнинг ҳамза туманидаги Мирзо Улуғбек номи 230-мактабда “Янгиобод” маҳаллалараро спорт соғломлаштириш мажмуи ишга туширилди.

Ўқув маскани директори Доно Эрматов “Туркистон-пресс” муҳбирига айнан бу борадаги ютуқлар хусусида гапириб берди.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама дунёқарашини ўстириш, шакллантириш ҳамда бўш вақтдан унумли фойдаланиш учун мактабда шеърят, заргарлик, тикувчилик, кулолчилик, расмчилик, спорт турлари каби ўнга яқин тўғарақлар доимий фаолият кўрсатаётир. Шу мақсадда Бенков номидаги коллеж билан

**МАҲАЛЛА ҲАМ
МАКТАБДАН
МИННАТДОР**

ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган.

— Ёшларнинг келажак ҳаётида тўғарақларда олинган билимлар қандай аҳамият касб этади?

— Ўқувчиларнинг фойдали меҳнат қилишга, уларнинг ижодий изланиш, мустиқил фикрлаш ҳамда онгли равишда меҳнат тарбиясига ўрганишида бу тўғарақларнинг аҳамияти муҳим. Мактабимиз шароитдан келиб чиқиб, тўғарақларда ким келажакда қайси касбни эгаллашни ҳисобга олиб, машғуллар олиб борилаётир. Жисмоний соғлом киши руҳан соғлом фикрлай олади. Шунинг ҳисобга олиб, айни чоғда мактабда катта ва кичик сузиш ҳавзаси, тренажёр, кикбоксинг, бокс, ушу, таэквандо, каратэ, футбол, баскетбол каби ўндан ортиқ спорт тўғарақлари нафақат ўқувчилар, шунингдек, мактаб яқинида жойлашган маҳаллалар учун ҳам манфаатли хизмат қилмоқда. Қолаверса, мактабимиздан жаҳон майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган бокс, кикбоксинг бўйича халқаро спорт устаси Б. Зокиров каби спортчилар етишиб чиққан. Биз бу анъанани давом эттиришга бел боғлаганмиз.

Ўқтам БЕК
“Туркистон-пресс”

* 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili

* 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili * 2000 yil — Sog'lom avlod yili

Яқинда республикада кураш тантаналари бўлиб ўтди. Барча вилоят ҳокимликлари кураш ойлигини ўтказиш бўйича махсус қарорлар қабул қилди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ўзбек халқи ўз миллий спорт турини жондан севади. Жойларда бўлиб ўтган кураш мусобақаларида минг-минглаб кураш мухлислари эл ардоғидаги полвонлар чиқишларини олқишлар билан кутиб олдилар. Минглаб ёш полвонзодалар кашф этилди. Фахрийлар ўртасида бўлиб ўтган республика очик чемпионати полвон жисман қариса ҳам, руҳан қаримаслиги, уни ҳеч қачон мардлик, жасурлик, ҳалоллик тарк этмаслигининг исботи бўлди. Республикада кураш ойлиги давом этаётган ўша пайтда, 17-19 декабрь кунлари Белоруссиянинг Минск шаҳрида бўлиб ўтган тарихий I Европа чемпионати ҳам Ўзбек кураши ҳеч қандай чегара билмаслигини, у тили, миллати, динидан қатъий назар, барча халқларни бирлаштираётганини яна бир бор тасдиқлади. Ойлик доирасида Халқаро кураш академияси томонидан ташкил этилган республика илмий-амалий конференциясида кураш оламига илк илмий қадамлар ташланди.

**XII. МУСОБАҚА
КОМЕНДАНТИ**

Мусобақа ўтадиган спорт зали, стадион ёки майдон, кураш тушадиған гилам (татами), ҳакамлар учун стол-стул, занг (чанг) ва бошқа анжомларнинг тайёрлигига масъул шахсдир.

Мусобақанинг тинч ўтишига ҳам жавобгар шахс.

Мусобақа коменданти бош ҳакам топшириғига биноан иш олиб боради.

**XIII. МУСОБАҚА
ШИФОКОРИ**

Мусобақалар бошланишидан олдин курашчилар соғлиги

(Давоми. Боши газета-мизнинг ўтган сонларида)

КУРАШ

ҳақидаги ҳужжатни, қўйилган имзо ва муҳрларни текшириб чиқади, агар камчилик бўлса, ўша курашчига олишиш учун чиқишига рухсат бермайди.

Курашчилар вазнлари ўлчанаётган вақтда уларни кўздан кечириб боради.

Мусобақа ўтадиган иншоотни ва кураш гиламлари ҳамда курашчилар формаларининг тозаллигини назорат қилади.

Мусобақа давомида олинган жароҳатларни даволаб боради.



**XIV. КУРАШ
ҚОИДАСИДАН
ТАШҚАРИ
ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАР**

Агар кураш қоидасида кўрсатилмаган вазият рўй берса, у ҳолда гиламдаги ҳакам гилам четидидаги ҳакамлар билан маслаҳатлашади. Бунда ҳам бир қарорга келинмаса, бу вазият бош ҳакам ва ҳакамлар ҳайъати билан маслаҳатлашиб ечилиши лозим.

САБОҚЛАРИ

Ўзаро муносабатлари билан катта теннисда “кичик” шов-шув кўтарилишига сабаб бўлган жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчиси америкалик Андре Агасси ва аёллар ўртасида собиқ чемпион, германиялик Штеффи Граф ниҳоят расмий ниқоҳдан ўтишга қарор қилишди. Германияда чиқадиган Bild at Sonntag газетаси хабарига кўра, кўпдан бери кутилган бу воқеа Штеффининг ту-

тилган куни — 14 июнга белгиланди. Бу пайтда уларнинг яқин муносабатлари бошланганига роппа-роса бир йил тўлади. Айтганча, Агасси ва Граф ўтган йили “Улкан тож”нинг иккинчи турнири — Франция очик чемпионати ғолиблари бўлгач, учраша бошлаган эдилар. Тўй тантаналари Агассининг она шаҳри, кўнгилочар ўйинлар маркази ҳисобланган Лас-Вегасда бўлиб ўтади.

**АГАССИ ва ГРАФ БИР
ЙИЛДАН СЎНГ**

Ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан бакуват авлодгина озод ва обод юртимиз келажакини таъминлаши мумкин. Албатта, соғлом авлодни, соғлом насли бирданига тарбиялаб бўлмаслиги ҳам барчамизга аён. Бунинг учун, энг аввало, ҳар бир инсон шу мақсадга ўзини масъул санаши, ўз соғлиги ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл қолдиришни ўйлаши зарур. Бу борада таълим-тарбия муассасалари ҳам ўзига хос мақсад-вазифаларни бажаради. Мактабларимизда ўтказилаётган турли

**ШОҲСУПАНИ
“ЁШ КУЧ”
ЭГАЛЛАДИ**

тадбирлар, спорт мусобақаларимиз болани нафақат жисмоний жиҳатдан юксалтиришда, балки маънавий, руҳий фаоллаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги 165-ўрта мактабда ўтказилган “Кувноқ стартлар” мусобақаси, бевосита ана шу мақсадларга хизмат қилди, дейишга тўла асосимиз бор. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар, мактаб ўқитувчи ҳамда ўқувчилари қизиқарли мусобақанинг гувоҳи бўлдилар. Беллашувда “Фортуна” (8-“Е” синф) ва “Ёш куч” (8-“В” синф) номлари остида беллашган ўқувчилар мусобақада ғолиб ёки совриндор бўлиш учунгина эмас, балки бир-бирлари билан янада яқинлашиш, дўстона жипслашиш мақсадида ҳаракат қилдилар. Унда “Ёш куч” жамоаси ғолиб бўлди ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Махфуза
АБДУРАҲМОНОВА,
165-ўрта мактаб
ўқитувчиси

Xullas...

НУРГА
"ТУТИЛГАНЛАР"

Россиянинг Шереметьево аэропорти божхона ходимлари бельгиялик хавфли жиноятчиларни қўлга туширишди. Махсус аппаратда текширилган, босқинчиларнинг ошқозонида қимматбаҳо тошлар борлиги аён бўлди. Хар бири ичига камида 300 граммдан бриллиант ва олмосни ютган жиноятчилар титраб-қақшаб қолишди. Асл тошлар рентген нурида ҳам кўриниш бериши уларнинг етти ухлаб тушида ҳам аён бўлмаган, шекилли.

Қимматбаҳо тошларни ноқонуний ташиб кетишга қарши кураш бўлими бошлиғи Иван Еськов таъкидлайдики, ошқозондан топилган олмослар 10 миллион долларга тенг. Бриллиантлар эса ундан ҳам қимматроқ.

Ажаб дунё экан... Одамнинг нафси уни нималарга гирифтор қилмайди?

ЧОЙШАБ-
ПАРАШЮТДАГИ
СЕВИШГАНЛАР

Еру осмон ўртасида шундай манзара: оппоқ чойшабга ўралган нимадир тўққиз қаватлик домнинг нақ тўққизинчи қаватидан иргитилди. Албатта, арқон воситасида. Бу воқеани кузатиб ўтирган томошатаблар милиция ва қутқарув хизматига хабар қилишди. Аммо бунга ҳолат йўқ эди... Нимага деганда чойшаб ичидан бир-бирининг пинжиги тиқилган севишганлар чиқишди. Ана, холос!

ПЕЧКАГА ТОВОН
Тўлашди

Санкт-Петербургда ўтган асрда қурилган уй яшовчиларни қониқтирмас, қадимий печ ўрнида иситувчи қувурлар бўлишини орзу қилишарди. Ва улар ўз ниятларига эришишди. Ўзбошимчалик билан дераза ойналарини ҳам алмаштиришди.

Аммо уй ўтмишдаги меъморчилик намуналаридан бири сифатида рўйхатга олингани учун қилғиликни қилганларга 23 минг рубл жарима солинди.

ana shunaqa
gaplar...

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касабаяшума қўмитаси ва кимё факультети жамоаси табиий бирикмалар кимёси муаммолари лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори Умаржон Зайнутдиновга волидаи мухтарамаси **ШАРИФА** аянинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

Жорий 2000 йил кабиса йили ҳисобланиб, унда февраль ойи 29 кундан иборатдир. Одатда 4 рақамга қолдиқсиз бўлинадиган йиллар кабиса йили бўлишига ўрганиб қолганмиз. Бироқ 1700, 1800, 1900 йиллар 4 рақамга қолдиқсиз бўлинса-да, амалдаги календарда кабиса йили бўлмаган. 1896 йил 29 февраль куни туғилган бола туғилган кунини 8 йил кутган. Амалдаги календарь қандай деган савол туғилади. Амалдаги календарь Куёш календарини бўлиб, унда асосий вақт ўлчов бирлиги (бир йил) сифатида куёшни кетма-кет икки марта баҳорги тенг кунлик нуқтасидан ўтиши учун кетган вақт қабул қилинган. Мелоддан 2000 йил оддин бу давр 360 кунга тенг деб ҳисобланган. Айлана ёйини 360 градусга тенг қилиб бўлиниши ҳам шу билан боғлиқ. Йиллар ўтган сайин ўлчаш аниқлиги ошиб борган ва бутун сон эмаслиги аён бўлган. Милоннинг бошидаги бу давр, яъни бир йил 365,25 кунга ёки 365 куну 6 соатга тенг деган хулосага келинган.

Рим императори Юлий Цезар бу календарга асос солган ва у Юлиан календарини номи билан таъриф этилган. Бу милоннинг 46-йили баҳорги тенг кунлик 21 марта тўғри келган. Урта асрларга келиб баҳорги тенг кунлик 11 марта тўғри келади. Ва йилнинг узунлиги хато экан-

Бир йилнинг узунлиги
365 кундан ортиқ

лиги маълум бўлади.

Араб астрономияси, шу жумладан, ватандошларимиз Беруний, Улугбек илмий ишлари ва олинган борган тадқиқотлари натижасида йилнинг узунлиги юқори аниқлик билан ўлчанади ва бир йил 365,2425 кун ёки 365 куну 5 соату 48 минут 46 секунд деб белгиланади. Шунга асосланиб, 1582 йилда католик чер-

кови раҳбари Григорий XIII календарини ислоҳ қилади. Унга кўра сана 10 кун олдинга сурилади. Бундан бунён 2 та ноль билан тугайдиган ва 400 рақамга қолдиқсиз бўлинмайдиган йиллар оддий, яъни февраль 28 кунлик йил деб ҳисобланган. Амалдаги календарь ислоҳ қилинган календарь бўлиб, унда 1600 йил кабиса йили бўлган. Лекин 1700, 1800, 1900 йиллар кабиса йили бўлмаган. Бу календарнинг хатоси жуда кичкина бўлиб, 0,0003 кунни, яъни 3300 йилда бир кунни ташкил этади. Ва бу етарли даражадаги юқори аниқликдир. Хозирги кунда эришилган натижаларга кўра, йилнинг узунлиги 365,2422 кун деб белгиланган. 2000 йил эса кабиса йили ҳисобланади. Ўтган кабиса йили бундан 400 йил олдин келган.

Исроил САТТОРОВ,
Низомий номидаги ТДПУ
профессори, физика-математика
фанлари доктори

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Таълим
ва фан ходимлари касабаяшумаси
Марказий
Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Халим САИДОВ

Тахрир ҳайъати:
Йўлдош АХМЕДОВ, Жу-
маназар БЕКНАЗАРОВ,
Икром БЎРИБОЕВ
(масъул котиб), Шукр
ЖОНБОЕВ, Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ,
Нўмонжон РАҲИМЖО-
НОВ, Йўлдош САИД-
ЖОНОВ, Абдусамат РА-
ҲИМОВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Хулкар
ТЎЙМАНОВА, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир
ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар
ҳаққонийлиги учун мақолалар
муаллифлари масъулдирлар.
Фойдаланилмаган мақолаларга
жавоб қайтарилмайди.
«Маърифат»дан материал-
ларни кўчириб босиш тахрири-
ят руҳсати билан амалга оши-
рилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР:

масъул котиб—136-56-42,
хатлар ва оммавий ишлар
бўлими—136-55-58.

Газетани IBM

компьютерига
Абдурасул НАРМАНОВ
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

Навбатчилар:

Аҳмад ОТАБОЕВ,
Хусан НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш

тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-107.

Тиражи 49.310
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма
табоқ.

Офсет усулида
босилган, қоғоз
бичими А-3.

«Шарқ» нашриёт
матбаа концерни
босмаҳонаси.

Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -
20.00.
Топширилди — 20.00.

Qutlov

Ўрнатили
Зокир Жўрабоевич!



Сизни 50 ёшга тўлганлигиниз ҳамда педагогика соҳасидаги 30 йиллик фаолиятингиз билан фарзандларингиз чин дилдан табриклайдизлар. Сизга соғлиқ, матонат ва дунёнинг бутун шодлигини тилаймиз.

Меҳрибон отажонимиз
Мамадиёр ҚАҲҲОРОВ!


Сизни муборақ 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга битмас-туганмас соғлиқ, тинчлик, хотиржамлик тилаймиз.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги
13-ўрта мактаб жамоаси ва оила
аъзоларингиз

"СИРЛИ ОЛАМ"ГА СЕЎХАТ

Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказида ёшларнинг бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликлари, турли оқимларга қўшилиб кетишларининг олдини олиш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Куни кеча "Сирли олам" ойномаси бош муҳаррири, фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов ва социология фанлари доктори, профессор Абдулаҳат Қаҳҳоров билан учрашув бўлиб ўтди. Ҳожиакбар Шайхов болаларга "Сирли олам" ойномаси ва унинг иловаси бўлмиш "Қалб кўзи" ҳафтаномаси ҳақида сўзлаб берди. Фантастика олами техникасиз тасаввур қилиш мушкул. Шу сабабли бўлса керак, Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказининг тўғра аъзолари томонидан "Сирли олам" ойномаси ва "Қалб кўзи" ҳафтаномаси севиб ўқилади. Учрашувда "Радио-техника", "Авиамоделлаштириш" ва "Космонавтика", "Ракетамоделлаштириш", "ЭҶМ ва дастурлаш", "Кийимларни моделлаштириш", "Бошланғич техник моделлаштириш" тўғрақлари, "Фидойилар" клуби аъзолари иштирок этдилар. Меҳмонлар марказ ҳаёти билан ҳам танишдилар.

А. ҚУДРАТОВА,
Република ўқувчилар техник ижодиёт
Маркази бўлим бошлиғи.



"А"дан "А"гача БЎЛГАН КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Европадаги давлат. 2. Кетма-кет ёки яқин сатрлар. 3. Бошоқли экин. 4. Илгимоснома. 5. Айтилганга ёки қутилганга зид ўлароқ. 7. Шимолий кутб. 8. Мақсадли маблаг. 9. "Тоғмаҳал" жойлашган шаҳар. 10. Расмий шартнома, битим. 11. Фикрнинг ёки иш-ҳаракатнинг қатъийлигини билдиради. 13. Янги йил даракти. 14. Машҳур хорж ансамбли. 15. Хуллас калом, қисқаса. 16. Кийим ёки кўрпанинг сиртки қавати. 17. Исроотга муҳтож бўлмаган ҳақиқат. 18. Мадден Олбрайтнинг Ватани. 20. Қувлик билан, айёрлик билан. 21. "Говур ичиди Саримсоқовнинг чинқириб йиғлаган товуши... эшитилиб турар эди" (А.Қаҳҳор. "Сароб"). 22. Отанинг синглиси ёки опаси. 23. Ичи сиртига, ости-устига ағдариладиган кийим ёки ўзи ағдариладиган восита. 24. Ёзги олимпиада ўтказилган штат. 26. Эркаклар исми. 27. Аниқ фан. 28. Пул. 29. Биринчи ёрдам учун дори-дармонлар. 30. Тўлқин узатиш ва қабул қилиш асбоби. 32. Зухра Ашурованинг касби. 33. Импералистик давлатлар блоки. 34. Дарёдан ажралиб чиққан ариқ. 35. Балетда оёқларини бир-бирига уриб сакраш. 36. Чертиб чалинадиган катта мусиқа асбоби. 37. Оналар қўшиғи. 39. Ақа-уқаларнинг ўйил-қизлари. 41. Секин-оҳиста. 42. Орзу қилиб етишган фарзанд. 44. Сувоқчиликда ишлатиладиган асбоб. 46. Грек алифбосининг биринчи ҳарфи. 48. Кўп, мўл. 49. Ҳарбий кема ёки самолётларнинг ҳарбий бирикмаси. 50. Вояк асар. 51. Дурадгор-

лик асбоби. 52. Эвара. 53. Суяқ оққат. 54. Кўр-кўрона ишонича асосланган исботсиз қоида.

БЎЙИГА: 1. Спорт гимнастикаси ва цирк санъатининг мураккаб тури. 2. Машҳур крейсер. 3. Қитъа. 4. Америкадаги ярим орол. 5. Қуйиб озги пайвандланган най. 6. Қамоқ уйи. 8. Бир хужайрали энг содда жонивор. 9. Цирк ёки ёпик муз майдони саҳнаси. 10. Грециянинг пойтахти. 11. Маданий тадбирлар ҳақида эълон. 12. Чақалоқ турилганида бериладиган зиёфат. 13. Жанубий кутб. 15. Иштиға очадиган витаминли дори. 16. Ҳуқуқ идораси. 17. Амалларни ўргатадиган фан. 18. Техника воситаси. 19. Эфиопиянинг пойтахти. 20. Пушкиннинг энагасининг исми. 21. УзДЭУавто жойлашган жой. 22. Ёзувчи аёл. 23. Ҳайитдан олдинги кун. 24. Туркиядаги шаҳар... 25. Денгиз йиртқич ҳайвони. 26. Африкадаги давлат. 27. Юз-хотир. 28. Қурол-яроғ. 29. Бичиш учун шака. 30. Қадимдан қолган ёки қизик, валаги. 31. Халқ озаки ижодига мансуб фантастик асар. 32. Зодагон. 33. Физикнинг товуш ҳақидаги бўлими. 34. Католик аёллар монастирининг бошлиғи. 35. Гумон оломишга мансуб номаълум бир нарса. 36. Бразилиядаги дарё. 38. Кимсада алами бор шахс. 39. Ота. 40. Масхаралаш, истеҳзо. 42. Буви. 43. Хув, ... 45. Мотам. 46. Яқин қариндош.

Тузувчи: Мурод МЎМИНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касабаяшумаси Косон
туман қўмитасининг раиси